Эти показатели материальной культуры подтверждаются увеличением чисел поселений городского типа. Источники в общей сложности упоминают около 40 городов Хорезма в до- и монгольское время (XII-XIV вв.). Но этот список нельзя считать исчерпывающим, т.к. в должной мере не обследованы археологическим путем «погребенные» городские и сельские пункты, которые к настоящему времени перекрыты поздними застройками или кладбищами. Происходит рост территории городов (XII-XIV вв.). Большим городам (от 100 до 1000 га) характерны обширные волости, ремесленное производство и торговля (Кят, Ургенч, Миздахкан). Малые города включают в себя пункты, имеющие площадь меньше 15 га (Бограхан, Джигербенд, Хазарасп и др.). В XIII-XIV вв. возникают предпосылки притока мигрантов в города. На этой почве увеличивается городское население. Расширяются зоны урбанизации в направлении северо-запада и низовьев Сырдарьи, продолжается культурное развитие, обогащение компонентов материальной культуры.

В целом, в средневековую эпоху процесс культурогенеза в Хорезме не прерывается, происходит дальнейшее развитие цивилизационных процессов.

Использованная литература:

- Алпаткина Т.Г., Алимухамедова З.У., Минасянц В.С.* Т.М. Миргиязов и материалы раскопок 1936 г. в Хорезме // Отзвуки великого Хорезма. М., 2010.
- Булатов Н.М.* Классификация кашинной поливной керамики золотоордынских городов // СА. 1968. № 4.
- Gulam J.* Otmiz izlari (Arxeologik texsirirler) // Guliston. 1937, № 4.
- Кдырниязов М.-Ш.* Темуридская керамика Хорезма // Вестник ККО АН РУз. 2005. № 1-2.
- Толстов С.П.* Древний Хорезм. М., 1948а.
- Толстов С.П.* По следам древнехорезмийской цивилизации. М., 1948б.

УДК: 902. (903.02)

**САМАРҚАНД ВА САНКТ-ПЕТЕРБУРГ МЕЪМОРЧИЛИК
АНЪАНАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ-МАЪНАВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ
МАСАЛАСИГА ДОИР**

© 2017. Д.Н. Раджабова

Самарқанд Давлат университети

Калит сўзлар: *Россия, Бухоро амирлиги, Самарқанд, Санкт-Петербург, архитектура, масжид.*

В статье приводятся архивные данные об истории возведения мусульманской соборной мечети в Санкт-Петербурге, в архитектуре которой прослеживаются мотивы исторических памятников Самарканда XIV-XV веков.

TO A QUESTION OF HISTORICAL SPIRITUAL CONTACTS OF THE ARCHITECTURAL TRADITIONS OF THE SAMARKAND AND ST. PETERSBURG

D.N. Radjabova

The article provides historical data about the history and construction of a Muslim mosque in St. Petersburg, in the architecture of which can be traced motives in Samarkand in 14-15 centuries of historical monuments.

Шуни таъкидлаш лозимки, Россия давлатининг татар хонликлари ҳисобига кенгайган давридан эътиборан ислом дини мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётининг энг муҳим ва ҳал қилувчи омилларидан бирига айланди. Уларнинг нуфузи Кавказ, Марказий Осиё ҳудудлари босиб олинган, янада ошди. Мусулмонлар асосан ўзларининг тарихий ватанларида истиқомат қилган бўлсаларда, 1918 йилга қадар империя пойтахти бўлган Санкт-Петербургда Россия мусулмонларининг қурултой ва конгресслари мунтазам равишда ўтказилиб келинган. Ислом аҳли учун зарурий бўлган қарорлар қабул қилинган.

Петербургда Пётр I ҳукмронлиги даврида ҳам татар миллатига мансуб мусулмонлар бор эди. Ўшанда ҳатто Нева дарёси атрофида татар слободаси пайдо бўлган эди. Кейинчалик аста-секинлик билан мусулмонларнинг сони кўпайиб борди. 1878 йилда Россия ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, Санкт-Петербург губерниясида 4000 мусулмонлар истиқомат қилган (Пончаев, 2010. С.12). Шунга карамай, улар жамоа намозлари учун мўлжалланмаган шахсий уйларда ўз диний амалларини бажаришга, катта диний байрамлар учун эса шаҳарнинг турли қисмларида жойлашган катта биноларни ижарага олишга мажбур бўлиб келганлар.

Шуларни инобатга олиб, 1881 йилнинг 2 апрел куни шаҳар мусулмонлари ички ишлар вазири (министр) Н.П. Игнатъевга Санкт-Петербургда мусулмонлар масжидини барпо этиш учун қўмита ташкил этиш мурожаати билан чиқдилар. “Санкт-Петербург масжидини қуриш қўмитаси”нинг вазифалари қуйидагича белгиланди.

1. Ҳозирда ва бундан кейин йиғиладиган маблағ ҳисобини ўззиммасига олиш;
2. Қурилиш учун қўшимча маблағ топиш имкониятини қидириш;

3. Масжидни куриш учун қулай жой топиш;
4. Ўз вақтида масжиднинг лойиҳаси чизмаси, сметаси ва режаларини тузиш;
5. Масжиднинг қурилиши билан боғлиқ ишларини расмийлаштиришни олиб бориш.

Қурилишга тегишли барча масалаларни 10 кишидан иборат бўлган қўмигага топширилди. Қўмигага раис, ғазначи ва котибни тайинлаш вазифаси ҳам юклатилди.

Қўмитанинг олиб борилган ишлари натижасида масжиднинг қурилишига 750 минг рубл (10 йил ичида) маблағ тўпланиши зарурлиги аниқланди. Шундан кейин ички ишлар министри П.А. Столыпиннинг рухсати билан бутун империя ҳудудида маблағ қабул қилишга розилик билдирилди.

Бу ҳақидаги маълумотлар Россия давлат Тарихий архиви (РГИА)да сақланмоқда (Ф.286, оп.1, д.237; Ф.821, оп.8, д.648; Ф.789, оп.13, д.81; Ф.1293). Бу ишларнинг бошида Ислом динига бағишланган бир неча асарларнинг муаллифи ва шаҳар мусулмонларининг ғоявий раҳнамоси Атоулло Боязитов турган.

Бир неча сабабларга кўра (бу асосан маблағ йиғиш билан боғлиқ эди) мусулмон масжидини барпо этиш учун ҳаракатларнинг ижобий ҳал этилишига 20 йилдан кўпроқ вақт сарфланди.

1906 йилнинг 1 феввалида масжид куришга рухсат берилди ва ташкил этилган Қўмитанинг раиси Абдул Азиз Давлетшин бошчилигида фаол ҳаракатлар бошланди. Давлетшин Россия мусулмон дунёсида машҳур ва ҳурматли одам эди. У бир неча мамлакатларга саёҳат қилган, шу жумладан, ҳукумат томонидан Осие губернияларига ҳам хизмат сафарларига юборилган. Бухоро Амири ва Хива хонининг Санкт-Петербургда ташрифлари вақтида эса доимо уларнинг ёнида бўлиш шарофатиға муяссар бўлган эди. “Юлдуз” газетасида унга “...бир неча Шарқ тилларини билган, маданиятли, обрўли ва тараққиёт тарафдори бўлган, Маккани зиёрат қилган мусулмон”, деб таъриф берилган эди (Пончаев, 2010. С.25).

Бундан ташқари Бухоро амири Саид Абдулаҳадхон ҳам Санкт-Петербургда ташриф буюрган вақтида рус ҳукумати билан бўлган музокараларида бир неча маротаба масжид қурилишига доир масалаларни кўтарган эди. 1906 йилда Қўмига аъзолари масжид қурилишида кўмаклашишни сўраб Бухоро амирига мурожаат қилганларидан сўнг, Амир Саид Абдулаҳад масжид қурилишига мўлжалланган ерни сотиб олиш учун 321 минг рубл маблағ ажратди (Ф. 821, оп. 8, д. 717). Кейинчалик, у масжиднинг қурилишига 500 минг рубл ҳам ҳадя этди (Жигало, Тукиянен. 2007. С. 268).

1907 йилнинг июнь ойида Масжидни куриш Қўмитаси Кронверк проспектида жойлашган 540 кв.саженли ер майдончасини сотиб олишга Санкт-Петербург шаҳар хокими (градоначальник)ка мурожаат этди. 2 июлда П.А. Столыпин ушбу сўровномани қўллаб-қувватлади ва Николай II ер сотиб олишга рухсат берди.

Масжид учун жой танлаб олингандан сўнг, 1907 йилнинг октябр ойида масжид лойиҳалари танлови эълон қилинади. Унинг асосий талаблари – диний байрамларда ташриф буюрадиган мусулмонларнинг кўпайишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг намоз ўқиши учун қулай шароит ва имкониятларни яратишдан иборат бўлган (Ф.789, оп. 13, д. 81).

Лойиҳалар 1908 йилнинг 28 октябрига қадар тақдим этилиши лозим эди. Қисқа муддат белгиланганлигиға қарамай, ушбу танловда кўпчилик архитекторлар катнашиш истагини билдирдилар. Жами, 45 лойиҳа танловга тақдим этилди.



Фото 1

Агар бу лойиҳаларнинг номла-нишига эътибор берадиган бўлсак, рус архитекторлари “Тимур” лойиҳасида Гўри Амир мақбараси, “Мамелюк” лойиҳасида Шоҳи Зинда меъморий ёдгорлигига, “Жомъе” ва “Самарқанд” лойиҳа-ларида ҳам Самарқанд меъморий обидаларининг архитектураси асо-сий мавзу бўлган. Бу эса ўша давр-ларда ҳаттоки Россия давлатида ҳам Самарқанднинг маънавий мар-каз сифатида тан олинганлигидан далолат беради. Танловда архитек-тор Н.В. Васильевнинг “Тимур” лойиҳаси ғолиб деб топилди. Бу мураккаб ишни амалга ошириш лойиҳалаш ва қурилишда катта тажрибага эга бўлган, нозик бадий дид эгаси, архитектура акаде-миги, инженер фон Гогенга топ-ширилади ва 1909 йилнинг иккин-





Фото 2

чи апрелида масжид барпо этиш учун барча тайёргарлик ниҳоясига етказилади. Ай-тиш жоизки, Гоген Бухоро Амири учун Санкт-Петербургда катта уй қуриб берган ва айрим маълумотларга кўра, ўша уйдан мусулмонлар масжидигича ер ости йўлаги ҳам барпо этилган. Масжиднинг қурилиши ва безатилишида ўзбек усталарининг кўл меҳнатларидан ҳам фойдаланилган.

Лекин, афсуски, Ички Ишлар Вазيري (министри) П.А. Столыпин томонидан ушбу хайрли ишга тўсиқлар қўйилганлиги сабабли қурилиш ишлари бир оз кечикиброк, яъни 1909 йилнинг август ойида бошланди.

1910 йилнинг 3 феввалида масжиднинг деворларини кўтаришга бағишланган тадбир Бухоро Амирининг тахтга кўтарилишининг 25 йиллигига мослаштирилди. Шу муносабат билан кумушдан тайёрланган тахтачада “Олий ҳазратлари Амир томонидан Санкт-Петербург мусулмонларига тухфа этилган ерда 1910 йил февралнинг 2 санасида Бухоро Амири генерал-адъютант Шайх Абдулахадхон ва бошқа мартабали меҳмонлар иштирокида ушбу масжид барпо этила бошланди” деб ёзиб қўйилди (<https://ru.wikipedia.org>).

Масжид қурилишига бағишланган маросимда Санкт-Петербург имоми охун А.Боязитов: “Қуръонда “Оллоҳ гўзал ва у гўзалликни яхши кўради”, деб айтилган. Бизнинг масжидимиз чиройли бўлади ва шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб, меъморчилигимизнинг шон-шухратига хизмат қилади. Петербургдаги масжидга ўхшаш масжидлар Парижда ҳам, Лондонда ҳам йўқ”, деб таъкидлаган эди.

Кейинги 3 йил давомида қурилиш ишлари олиб борилди. Архитекторлар, қурувчилар маблағ етишмовчилиги, қўшимча кичик ёрдамчи биноларнинг қурилиши, қўшимча ер сотиб олиниши, деворлар, миноралар, пештоқлар, гумбазларни бадий керамика, мозаика билан безатиш каби бир канча қийинчиликларга дуч келдилар (Ф.1102, оп.2, д.197-498). Масжиднинг ичидаги ёруғликни таъминлаш мақсадида унинг деворлари ва устидаги гумбазнинг барабанида қўшимча деразалар ўрнатишди. Бу эса Санкт-Петербург масжидининг айнан ўзига хос кўринишлардан бири эди, чунки мусулмон Шаркида шу каби меъморчилик намуналарида бундай холат кузатилмас эди (фото 1). Масжидда бош кириш эшиги улуғвор рангли

нақшлар билан безатилган. Ён тарафдан кириш эшиги ҳам ўзига хос услубда безатилган, аммо асосий эшикдай тезда кўзга ташланмас, унинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини икки ёнидаги миноралар белгилаган. Бу кириш эшиги аёллар учун мўлжалланган эди. Ундан ташқари, масжиднинг деворлари қорамтир гранит билан безатилганлиги ҳам мусулмон диний меъморчилигига хос эмас эди. Аммо керамика ва майоликадан моҳирона ва ўринли фойдаланилганлиги масжиднинг бошқа диний меъморий бинолар, шу жумладан, Самарқанддаги масжидлар архитектурасидан кескин фарқ қилмаслигини билдиради. Бир неча маротаба мусаввирлар Самарқандга ташриф буюриб, Гўри Амир, Шоҳи Зинда масжидлари нақш безакларидан нусхалар олдилар. Бу каби ҳаракатларнинг барчаси қурилиш ишларини секинлашувига олиб келди, бироқ ишлар тўхтатилмади.

1913 йилда бутун Россия худудида Романовлар уйи (хонадони)нинг 300 йиллиги муносабати билан қурилаётган масжидда 22 февралда Бухоро Амири ва Хива хони иштирокида масжид тарихида биринчи маротаба диний маросим ўтказилди.

Масжид қурилишига оид охириги маълумотлар 1914 йилга тўғри келади (Ф.821, оп.133, д.554). Маблағнинг етишмаслиги ва август ойида бошланган жаҳон уруши масжиднинг қурилишини охиригача етказишга халақит берди. Унинг қурилиши октябрь тўнтаришидан кейин охирига етказилди. Масжиднинг бош кириш жойи пештоқида “1910 йил 3 февралда қурилиши бошланган масжид 1920 йилнинг 30 апрелида тўлиқ барпо этилди”, - деган ёзув бор.

Санкт-Петербург мусулмон масжидининг архитектурасида Ўрта Осиё мусулмон ҳунармандчилигининг ўзига хос изларини сезиш қийин эмас. Масжид гумбази Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасининг гумбазини эслатади. Аммо Санкт-Петербург масжидининг гумбази бир оз чўзинчоқ ва учли (фото 2). Кириш эшиги порталининг шакли ва нақшлари Шоҳи Зинда мақбарасидан нусха сифатида олинган. Амир Темур мақбараси деворларига зангори, ҳаво ва оқ рангли сирли кошинлар қопланган, бу кошинлар геометрик шаклда усталик билан терилган бўлиб, уларга арабча хат битилган. Меъмор бир-бирига мос шакллардан фойдаланиб, биноларнинг катта сатҳларини моҳирлик билан бегаган. Худди шу кўринишларни мусулмонлар масжиди меъморчилигида ҳам кузатиш мумкин. Ислом талабларига биноан иккала масжидда ҳам тирик мавжудотларнинг тасвирини учратмаймиз, аммо деворлар орнамент нақшларига бой (Ўзбекистон обидаларадаги битиклар, 2012, 129-135 б).

Гўри Амир Жомеъ масжидининг кириш эшиги бош равоқ панели устидаги тош битикларида сулс хатида Пайғамбарнинг бир неча ҳадиси ёзилган. Шу ёзувларнинг тепасида эса куфий хати билан “Мулк – Оллоҳники”, “Боқийлик – Оллоҳга хос”, “Оллоҳга шукур” деб ёзилган. Санкт-Петербург мусулмонлар масжидининг эшиклари орасидаги вертикал ёзувларда ҳам худди шу сўзларни учратиш мумкин (Тагирджанова, 2014. С. 44-46). Гўри Амир Жомеъ масжидининг пештоқ ёзувларида инсон доимо тоат ибодатда бўлиши, намозни канда қилмаслиги қайта-қайта қайд этилган. Мусулмонлар масжидининг марказий кириш жойи устидаги порталда ҳам тоат-ибодат қилиш ҳақидаги суралар келтирилган (Тагирджанова, 2014. С. 44-46).

Буларнинг барчаси Санкт-Петербургдаги масжид биносининг кўп жиҳатдан Ўрта Осиё, хусусан, Самарқанд меъморчилик анъаналари таъсири остида бунёд қилинганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

Пончаев Р. Д. Соборная мечеть в Санкт-Петербурге. Очерк истории. СПб., 2008.

Тагирджанова А.Н. Мечети Петербурга: проекты, воплощение, история мусульманской общины. СПб., 2014.

Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. – 3-китоб, Тошкент, 2012.

Жигало М., Тукиянен И. Самые известные храмы Санкт-Петербурга. - М., Олимп, Острель., АСТ.2007.

Ф.286, оп.1, д.237.

Ф.789, оп.13, д.81.

Ф.821, оп.8, д. 648, 717.

Ф.821, оп.133, д.554.

Ф.1102, оп.2, д.197-498.

<https://ru.wikipedia.org>.

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

ТРИБУНА МОЛОДОГО
ИССЛЕДОВАТЕЛЯ

YOUNG RESEARCHER
TRIBUNE

УДК: 903 (737.11: 336.746: 671.4)

СОПОЛЛИ МАДАНИЯТИ ГЛИПТИКАСИДА ГЕОМЕТРИК ТАСВИРЛАР

© 2017. А.Ш. Шайдуллаев

Ўзбекистон миллий университети

Калит сузлар: Бактрия, Марғиёна, Қадимги Шарқ, сополли маданияти, глиптика, муҳр, тамға, тумор, геометрик тасвирлар.

В данной статье рассматриваются геометрические изображения на амулетах, штампах и печатях, найденные на памятниках культуры Сапалли. На основе сравнения в аспекте культурных связей и взаимодействий, а также их взаимовлияния уточнена их хронология. Определено историческое значение антропоморфных образов глиптики культуры Сапалли.

GEOMETRIC IMAGES ON GLYPTICS OF SAPALLI CULTURE

A. Shaydullayev

This article discusses the geometric images on amulets, stamps and seals which have been found from sites of Sapalli Culture. On the basis of comparison of cultural relations their chronology is specified. The historic significance of geometric images of the Sapalli Culture glyptics is determined.

Сополли маданиятини том маънода геометриялашган маданият, деб аташ мумкин. Унинг монументал меъморчилик обидалари симметрик қоидалар асосида бунёд этилган бўлса, муҳофаа иншоотларига лабиринт тизими хосдир. Бизнинг кузатувларимизга қараганда Сополлитепа ва Дашли муҳофаа иншоотлари тизими жаҳон халқлари меъморчилигидаги энг қадимги лабиринт тизимидан биридир. Ёзма манбаларда эртақ қаҳрамони Тоссенинг Менотаврни¹ Крит лабиринтида ўлдирганлиги ҳақида маълумотлар бор (Бидерман, 1996. С. 141). Албатта, бу ҳикоя, эртақ. Шундай бўлсада, Крит лабиринти адабиётларда жаҳондаги энг қадимги лабиринт сифатида эътироф этиб келинмоқда (Bord, 1976). Сополли ва Дашли ёдгорликлари мисолида Бактрияда лабиринт тизимининг пайдо бўлиши ва эволюциясини ўрганиш алоҳида илмий мавзу эканлигини эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, Сополли маданиятининг нафақат меъморчилик, балки моддий маданият турларининг деярли барчаси - кулолчилик буюмлари, металлсозлик ашёлари, тошдан ясалган ҳар хил аслаҳалар табиат қонунияти – симметрик қоидалар асосида ясалган.

Сополли маданияти муҳрлари типологияси шуни кўрсатмоқдаки, улар асосан геометрик шаклларда ясалган: мажозий шаклли; цилиндрсимон; хочсимон; тўғритўртбурчак; конуссимон; квадрат; юлдузсимон; тўпбаргсимон; доира; пардевор (перегородчатые) юзали; тўғнагич шаклли муҳрлардир (Шайдуллаев, 2013).

Илмий адабиётларда муҳрларнинг шаклида ҳам илоҳий маъно ва мазмун борлиги хусусида ёзилмоқда (Антонова, 1984. С. 146). Бу фикрни тўлиқ инкор этмоқчи эмасмиз, аммо Сополли маданияти муҳрлари, туморлари ва тамғаларини ясаган усталар энг аввал унинг юзасига тушириладиган ифодага қараб, муҳрлар шаклини ясаган. Муҳрларни ясада ифода бош ролни ўтаганлиги, моҳият шак-

лдан устун эканлиги кузатилади. Юқорида келтириб ўтганимиздек Сополли маданияти муҳрлари шакли бўйича 14 та типга бўлинган, уларнинг орасида цилиндрсимон, тўғритўртбурчак, конуссимон, тўпбаргсимон, тугмасимон, тугнагич каби шакллар символика дунёсида ҳеч қандай мазмун ва моҳиятга эга эмас. Аксинча, хоч, квадрат, доира, юлдузсимон шакллар символиканинг энг асосий белгилари ҳисобланади. Демак, Сополли маданияти муҳрлари шаклан 14 хил бўлиб, шундан 4 таси символик характерга эга, холос.

Асосий эътибор муҳрлар юзасидаги тасвирларга қаратилган. Сополли маданияти ёдгорликларидан стратиграфик аниқлик ва ёпиқ комплекслардан жами 81 та муҳр (тамға, тумор) топилган бўлиб, шундан 51 тасида, яъни 60% ида геометрик шакллар тасвирланган. Улар қуйидаги шаклларда чизилган: 1. Хоч; 2. Свастика²; 3. Филдирак; 4. Гексаграмма³; 5. Етти қиррали юлдуз; 6. Саккизқиррали юлдуз; 7. Ўнқиррали юлдуз; 8. Лабиринт; 9. Ўзаро кесишувчи параллел чизиқлар; 10. Айлана.

Хоч. Икки кесманинг кесишишидан ҳосил бўладиган хоч символлар орасида энг соддаси ва оддийидир. У табиат кенгликларини, кенгликдаги йўналишларни ифодалайди. Икки кесманинг кесишув нуқтаси асосий маънони англатади. Кесмалар марказда кесишган бўлса ҳар хил дуалистик ғояларни, марказдан баландда кесишса инсон тасвирини билдиради ва ҳоказа (Бидерман, 1996. С. 132).


Сополли маданияти ёдгорликларидан топилган 15 та муҳр ва туморда хоч ифодаланган (1-расм). Уларнинг 9 таси икки юзали бўлиб бир томонида хоч, иккинчи томонида эса ўсимлик (1-расм. 1, 2, 3, 4, 5), айлана (1-расм. 7, 8), илон (1-расм. 13), одам (1-расм. 6) тасвирланган. Бешта бир юзали муҳрда хоч тасвири алоҳида тасвирланган (1-расм. 10, 11, 12, 13, 14). Шулардан бири адабиётларда “пардевор” - “перегородчатое” номини олган муҳр бўлиб, бронзадан қуйма усулда ясалган. Улар шакл жиҳатидан бир-бирига айнан ўхшайди ва фақат Бақтрия учун характерлидир. Муҳр думалоқ шаклда бўлиб, марказида хоч жойлашган (1-расм. 10).

Демак, 14 та муҳр ва туморда хоч тасвири бўлиб, бештасида алоҳида, бештасида ўсимликлар, иккита ҳолатда айлана, бир марта илон ва яна бир марта одам билан тасвирланган. Хочнинг ўсимликлар билан ифодаланиши табиийликка хос бўлиб, дунёни, табиатни англаш деб қаралиши керак. Айлана ва хочнинг бирга ифодаланиши эса осмон жисмлари ва табиатни бирга тасаввур этиш, космогоник тушунча йилнинг тенг тўртга, фаслга бўлинишига ишорадир.

Свастика. Хочнинг такомиллашган, геометрик жиҳатдан ривожлантирилган ва тўлдирилган шакли.

Қадимги Шарқ ёдгорликларида, Бақтрия, Марғиёна, Андроново ёдгорликларида кенг тарқалган белги (Аскарлов, Ширинов, 1993; Сариниди, 2002; Кузьмина, 1985; Кузьмина, 1994). Муҳр ва туморлардан ташқари сополларда ҳам кенг тасвирланган. Кейинги пайтда арийларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиш географияси ҳам свастика мисолида тикланмоқда (Аскарлов, 1980; Кузьмина, 2009). Сополли маданиятига оид свастикалар ҳам ибтидоийликка оид, энг қадимгиларидан биридир. Шунинг учун ҳам уларнинг тасвирида ягона қонуният сезилмайди. Свастикалар алоҳида, гоҳида эса ўсимлик ва космогоник белгилар билан ҳам ифодаланган (2-расм. 1, 2, 3, 4).

Филдирак. Айлана ёки доиранинг ривожланган шакли, глиптикада арава кашф этилгандан кейин пайдо бўлган ва энг асосий белгилардан бирига айланган. Бронза даврининг деярли ҳамма маданиятларида учрайди. Айлана ичида хочнинг чизилиши йилнинг фаслларга бўлинишини ифодалайди. Филдирак “осмонда




1 - расм



2 - расм



3 - расм




4 - расм

айланиб юрган” куёш символи бўлиб, ҳалқаси куёш-ни, кегайлари эса нурларни англатади.

Ғилдирак шакли меъморчилик, шаҳар қурилиши-да ҳам аҳамият касб этган. XX аср бошларида Эрон ҳудудида бир қатор доира шаклли ёдғорликлар ўрганилгандан сўнг В. Мюллер унга нисбатан “клас-сик ғилдирак шаҳарлар (қаршвар) юрти” деб таъриф беради (Müller, 1961. P. 87). XX аср давомида Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам бронза ва илк темир даврига оид доира шаклли ёдғорликлар ўрганилди. Даштли (Сарианиди, 1977. С.

184), Синташта (Зданович, 1997. С. 87), Талашкантепа (Шайдуллаев, 2000. С. 119) каби ёдгорликларнинг очилиши натижасида “ғилдирак шаҳарлар юрти” тушунчаси худудий жиҳатдан кенгайди.



5 - расм


Ғилдирак уч қисмдан – гупчак, кегай ва тўғиндан (ҳалқа) иборат бўлиб⁴, Марказий Осиё халқлари метрополиясига оиддир.

Авеста анъанасига кўра Каршвар (Кишвар) ернинг ўзлаштирилган қисми бўлиб, аниқ чегарага эга бўлган ва етти қисмга бўлинган. Булар шарқда Сава, ғарбда Арзах, иккитаси жанубда – Фрададафш ва Видадафш, иккитаси шимолда – Ворузаршт ва Ворузаршт, марказда эса энг буюги, худудий жиҳатдан олтига кишварга тенг Хванирас жойлашган (Зороастрийские тексты, 1997. С. 40).


Сополли маданияти моддий маданиятида ғилдирак тасвири кенг тарқалган. Жумладан, сополларда чизилган ғилдирак шакллари пиктографик ёзув сифатида эътироф этишган (Чориев, Шайдуллаев, Аннаев, 2008). Ундан ташқари Жаркўтон ёдгорлигида ғилдиракнинг хлорид тошдан (Хуфф, Шайдуллаев, 1999), Бўстон қабристонида эса лойдан ясалган моделлари топилган (Аванесова, 2000. С. 64).

Сополли маданияти ёдгорликларидан топилган, ғилдирак тасвири туширилган муҳр – туморлар деярли бир хил услубда чизилган бўлиб, марказда нуқтадан иборат бўлган гупчак, муҳр гардиши бўйлаб тўғин (ҳалқа) ва гупчак ҳамда ҳалқани боғлаб турувчи кегайдан иборат (3 расм. 1, 2, 3, 4, 5, 7). Кегайлар сони олтигадан ўнтагача боради, албатта бу ғилдирак тасвирининг кўламига боғлиқ.

Гексограмма. Иккита учбурчакдан ташкил топган, олтиқиррали юлдуз (4-расм). Символика дунёсида учи тепага қарагани осмонот дунёсини, пастга қарагани эса ерга менгзалади, иккинчи маъноси эса учи тепага қараганда аёллар, пастга қарагани эса эркаклар дунёсини англатади.



6 - расм



7 - расм



8 - расм



9 - расм

Сополли маданияти мухрларида тўрт марта гексограмма тасвири аниқланган бўлиб, улар Сополлитепа, Жарқўтон (Аскарлов, 1973; Аскарлов, Абдуллаев, 1983; Аскарлов, Ширинов, 1993; Аскарлов, 1977) ва Тиллабулоқдан топилган мухрлардир (Kai Kaniuth, Martin Gruber, Anna Kurbangaliev, Frances Sachs, Aliser Sajdullaev, Mohsen Makki, Peter Biro, 2010).

Барча олтиқиррали мухр-тамғалар бронзадан ясалган бўлиб, олти сонининг глиптикадаги маъноси мужмалроқ. Энг эътиборлиси Европада “Сулаймоннинг мухри” номини олган гексаграмма бўлиб, иккита учбурчакдан ташкил топган юлдуздир (Бидерман, 1996. С. 301). Қадимги Хитойликлар инсонларнинг танаси (бош, қорин қисм, икки қўл ва оёқ) ва қалбини (севги, қаноат, хурсандчилик, азоб, хасад, жаҳолат) олти қисмдан иборат деб ҳисоблашган (Wilhelm, 1980).

Жуда кўплаб халқларда олтини 3+3 сифатида билишади. Жумладан, Зардуштийликда уч кеча-ю, уч кундуздан сўнг рух танага қайтиб келади деган тушунча мавжуд бўлган. Ундан ташқари, Зардуштийлик анъанасида гаха (гаханбар) байрамлари бўлиб, чорвадор ва деҳқон қабилалар йил давомида олтига байрам ўтказишган. Булар баҳор ярмида, ёз ўртасида, ҳосил байрами, отарларнинг ёзги яйловдан қайтиш кунлари, киш ўртасида ва фравашиларни⁵ меҳмон қилиш байрамларидир. Олти гаханбар, яъни олти давр бир йилни ташкил этган (Бундахишн, 1997. С. 265-311).

Етти қиррали юлдуз (5-расм). Символика дунёсида етти планетани (ой, қуёш, Марс, Меркурий, Юпитер, Венера, Сатурн), барча жаҳон халқларида ҳафтанинг етти кунини билдиради. Ўрта Осиё халқларида етти сони илоҳийлаштирилган, кўпроқ магия ҳолатлар билан боғлиқ, жумладан “етти кеча-ю, етти кундуз”, “етти кунлик йўл”, “еттилик” каби иборалар ёки маросимлар мавжуд.

Сополли маданиятида етти қиррали юлдуз уч маротаба учраган, холос (5-расм). Сополли ва Жарқўтон ёдгорликларидан топилган бронзадан ясалган мухр ва иккита соч тўғнағичдан иборат (Аскарлов, 1973; 1977; Аскарлов, Абдуллаев, 1983).

Саккизқиррали юлдуз. Шумер ва Миср глиптикасида юлдуз симболи сифатида кенг тарқалган пентограмма Сополли маданияти мухрларида, туморларида учрамайди. Пентограмма семит халқларида Иштар худосининг симболи ҳисобланган. Қадимги Шарқ халқларидан фарқли ўлароқ Сополли маданияти ёдгорликларида саккизқиррали юлдуз энг кўп тарқалган.

Сополли маданиятида бошқа сонларга нисбатан саккиз илоҳий бўлганлиги кузатилмоқда. Жумладан, Сополлитепа саккизта лабиринтдан иборат мудофаа тизими ва саккизта кварталдан иборат (Аскарлов, 1973). Жарқўтон эса арқдан ташқари саккизта тепалиқдан (махалла) ташкил топган илк шаҳар (Шайдуллаев, 2009), Жарқўтон олов ибодатхонасида саккизта коридорнинг (қурбонликлар сақланадиган омборхона) мавжудлиги (Аскарлов, Ширинов, 1993), кўплаб мухр ва туморлар ҳам саккизқиррали юлдуз шаклида ясалганлиги (6-расм) шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Мазкур мухр - туморлар Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларида олиб борган тадқиқотлари натижасида топилган (Аскарлов, 1977. С. 209; Хуфф, Шайдуллаев, 1999).

Саккизқиррали мухр - туморларнинг юзасида ҳар хил, бир-бирини такрорламайдиган геометрик белгилар мавжуд. Албатта, бу белгилар саккизқирра юлдуз билан ҳамохангликда ягона мифологик, балчим фалсафий тушунчани англатган.

Саккизқиррали муҳр – туморларни юзасидаги тасвирларга қараб қуйидаги вариантларга бўлиш мумкин:

а. Саккизқиррали, марказида хоч, жуфт қирраларни бирлаштирувчи тўртта ярим ойдан иборат юлдуз (6-расм. 1, 2).

б. Саккизқиррали, марказида бир (6-расм. 4) ва икки қатор (6-расм. 3) айлана бўлган юлдуз.

в. Саккизқиррали, марказида тўртта айлана бўлган юлдуз (6-расм. 8).

г. Саккизқиррали, марказида тўртта (6-расм.7) ва саккизта (6-расм. 9) баргдан ясалган гулчамбарли юлдуз.

Ўнқиррали юлдуз. Сополлитепадан топилган (Аскарлов, 1977), барг шаклида, бронзадан ясалган муҳр. Муҳр юзасида ўн тишли гулчамбар жойлашган (7-расм).

Юлдуз шакли муҳр-туморлар қиррасидан қатъий назар, фақат Сополли маданияти ёдгорликларига характерли бўлиб, ҳаттоки Марғиёна худудига ҳам хос эмас. Бу Сополли маданияти глиптикасининг ўзига хос хусусиятидир.

Лабиринт. Бутун дунёда сирли ҳаёт симболи. Қадимда халқ қаҳрамонларининг лабиринтларда синаб кўрилганлиги ҳақида кўплаб афсоналар тўқилган (Бидерман, 1996. С. 141). Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Сополли маданияти аҳолиси лабиринтни кашф этган ва меъморчилик ансамбллари қуришда моҳирона фойдаланган (Аскарлов, 1973). Албатта, бу муҳрлар ва туморларда ҳам акс этган.

Тиллабулоқ ёдгорлигидан топилган муҳрда айлана шакли лабиринт тасвирланган (Kaniuth, Gruber, Kurbangaliev, Sachs, Sajdullaev, Makki, Biro, 2010). Бир қарашда у илоннинг ғужанак бўлиб турган ҳолатини ҳам эслатади. Аммо, муҳрни лой парчасига ёки пластилинга босиб кўрилганда илондан кўра лабиринт тасвирланганлиги кўринади. Лабиринт муҳр параметридан (гардиш) бошланиб, айлана шаклида марказгача борган. Психологик жиҳатдан лабиринт марказни топишдан иборатдир. Тиллабулоқ муҳрида уч айланали лабиринт ва марказга этакловчи йўл тасвирланган (8-расм).

Ўзаро кесишувчи параллел чизиқлар, квадрат. Геометрияда энг асосий элемент чизиқдир. Унинг ёрдамида барча белгилар ва символлар ясалади. Гоҳида чизиқлар кесмасидан ҳар хил шакллар ясалган. Жарқўтондан топилган лойдан ясалган муҳр юзасига учта параллел чизиқ горизонтал, учта параллел чизиқ вертикал чизилган. Натижада, квадратлар пайдо бўлган (9-расм).

Квадрат шакли муҳрлар кўпроқ Хараппа маданиятига тегишли. Бир марта Жарқўтон ёдгорлигидан бронзадан ясалган, квадрат шакли муҳр топилган (Аскарлов, Ширинов, 1993), иккинчи марта соч тўғнагичнинг боши квадрат шаклида ясалган (Аскарлов, Абдуллаев, 1983). Сополли маданияти глиптикасига квадрат шакли хос эмас.

Айлана. Тумор ва муҳрлар кўп ҳолатда доира (айлана) шаклда ясалган. У энг кенг тарқалган геометрик символ бўлиб, ой ва қуёшни ифодалайди (Бидерман, 1996). Айлана - бошланиши ҳам, тугаши ҳам, йўналиши ҳам бўлмаган тугал шаклдир. Символика дунёсида доирага контраст сифатида квадрат белгиланган. Айлана худо ва осмонга, квадрат эса ер ва инсонга менгзалади.

Сополли маданиятининг тумор ва муҳрлари асосан айлана (доира) шаклида ясалгани билан тасвирда айлана жуда кам учрайди. Соф, яъни алоҳида чизилган айлана бир марта учраган, холос (1-расм. 7). Унда ҳам хоч ифодаланган туморнинг иккинчи тарафида чизилган.

Сополли маданияти глиптикасида айланадан қўшимча кампонент сифатида фойдаланишган. Жумладан, юлдуз шакли мухрларнинг марказида (6-расм. 3, 4, 8, 9; 7-расм), хоч атрофида халқа (1-расм. 5, 11, 12, 13), ҳилдиракнинг тўғини (3-расм. 1, 2, 3, 4) сифатида чизилган.

Сополли маданияти глиптикасидаги геометрик тасвирлар тўғрисидаги мулоҳазаларимизни яқунлар эканмиз, шуни таъкидлаш жоизки барча геометрик мазмундаги тасвирлар маҳаллий характерга эга. Геометрик тасвирларда ривожланган глиптика мактабларининг таъсири сезилмайди. Айниқса, пентограмма⁶ масаласида, яъни Шумер ва Мисрда осмон жисми юлдузни, кейинги пайтларда ғалаба, гоҳида тўқис инсон рамзларини (бош, икки қўл, икки оёқ) англатган беш юлдуз (Соорег, 1978) биз ўрганаётган маданият ёдгорликларида учрамайди. Сополли маданиятига кўпроқ саккизқиррали юлдуз характерлидир. Бронзадан ясалган, юлдуз шакли мухрлар ясаиш техникаси ва шакли бўйича санъат даражасига етган ва сополли варианты кашф этилган.

Хоч энг кўп тарқалган оддий геометрик белги бўлиб, алоҳида тасвирланиши билан бирга ўсимликлар дунёси билан ҳам тасвирланган ва “инсон - табиатнинг ажралмас бир бўлаги” тушунчасини бера олган.

Бронза даврининг буюк кашфиёти бўлган ғилдирак Сополли маданияти глиптикасида ҳам ўз ифодасини топган. Ғилдиракнинг Марказий Осиё халқлари метрополиясига оидлигини глиптика яна бир бор тасдиқлади.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, геометрик белгилар аجدодлардан аجدодларга ўзгаришсиз, такомиллашган ҳолда ўтиб келаверган. Сополли маданиятининг илдишлари деб тан олинган Номозгоҳ ва Анау маданиятлари мухрларида энеолит давридан бошлаб оддий геометрик тасвирлар ифодаланган (Сарианиди, 1960. С. 34-48; Массон, 1971; Массон, 1989. С. 291; Массон, 1962. С. 423). Вақт ўтиши билан мухрлардаги тасвирлар мураккаблашиб, инсонларнинг мифологик дунёсини ифодалай бошлаган, бронза даврига келганда санъат даражасига кўтарилган ва фанда глиптика йўналишининг шаклланишига асос бўлди. Геометрик тасвирлар мураккаблашиб ҳамда такомиллашиб борган. Энеолит даврида учбурчак, тўртбурчак каби шакллар ифодаланган бўлса, ўрганилаётган даврга келиб свастика, гексаграмма, ғилдирак каби ривожланган геометрик тасвирларни кузатиш мумкин.

Изохлар:

¹ Гавдаси инсон, боши ҳўқиз кўринишидаги маҳлук.

² Хоч шаклидаги, кесмалар учларининг ўнг ёки чап томонга қайрилиши натижасида хосил бўладиган шакл, белги. Энг қадимгиси Шумер свастикаси бўлиб, тўртта аёлнинг гавдаси асосида хоч пайдо қилинган ва ёйилган сочлари ёрдамида хоч свастикага айланган. Свастика ҳозирги замон символикасида арийлар билан боғланади. Тўкин сочинлик, ҳукмронлик рамзи.

³ Иккита учбурчакнинг қўшилиши натижасида пайдо бўлган, олтиқиррали юлдуз.

⁴ Арава ва ғилдираклар ҳаёт тарзидан чиқиб бораётганлиги сабабли улар билан боғлиқ атамалар ҳам унутилиб бормоқда. Рус тилида гупчак – “ступица”, кегай – “спица”, тўғин эса – “обод” дейилади.

⁵ Фравашилар – руҳ билан боғлиқ бўлган, инсонлар тушунчасида одамлар туғилишдан олдин ҳам бўлган ва ўлгандан сўнг ҳам бўлади деган тушунча.

⁶ Бешқиррали юлдуз.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Аванесова Н.А.* Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры // Российские вести. М., 2000. Вып. 4.
- Антонова Е.В.* Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. М., 1984.
- Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н.* Джаркутан. Ташкент, 1983.
- Аскарлов А.А., Широков Т.Ш.* Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993.
- Аскарлов А.А.* Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. Ташкент, 1977.
- Аскарлов А.А.* Сапаллитепа. Ташкент, 1973.
- Аскарлов А.А.* Степные компоненты в комплексах оседлых культур эпохи бронзы в Северной Бактрии // Проблемы древней истории Северного Причерноморья и Средней Азии. Л., 1980.
- Бидерман Ганс.* Энциклопедия символов. М., 1996.
- Зороастрийские тексты.* Бундахишн – “Сотворение основы”. М., 1997.
- Зданович Д.Г.* Синташтинское общество: социальные основы «квазигородской» культуры Южного *Зауралья* эпохи средней бронзы. Челябинск, 1997.
- Кузьмина Е.Е.* Арии – путь на юг. М.-С-Пб., 2009.
- Кузьмина Е.Е.* Классификация и периодизация памятников андроновской культурной общности // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 9. М., 1985.
- Кузьмина Е.Е.* Откуда пришли индоарии? М., 1994.
- Массон В.М.* Первые цивилизации. Л., 1989.
- Массон В.М.* Поселение Джейтун. Л., 1971.
- Массон В.М.* Средняя Азия и Древний Восток. М.-Л., 1962.
- Сарианида В.И.* Древние земледельцы Афганистана. М., 1977.
- Сарианиди В.И.* Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. Ашгабат, 2002.
- Сарианиди В.И.* Энеолитическое поселение Геоксюр (Результаты работ 1956-1957гг // Тр. ЮТАКЕ. Т. X. Ашгабат, 1960.
- Хуфф Д., Шайдуллаев Ш.Б.* Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 30. Самарканд, 1999.
- Чориев З., Шайдуллаев Ш.Б., Аннаев Т.* Ўзбекистон худудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва таракқиёти. Тошкент, 2008.
- Шайдуллаев А.* Сополли маданияти муҳр-тамғалари типологияси // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларини ўрганишда ёшларнинг ўрни. Самарканд. ЎзР ФА Археология институти. Самарканд, 2013.
- Шайдуллаев Ш.Б.* Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000.
- Шайдуллаев Ш.Б.* Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари // Т.ф.д. диссертацияси автореферати. Самарканд, 2009.
- Bord J.* Mazes and labyrinths of the World. London, 1976.
- Cooper J.C.* An illustrated Encyclopaedia of traditional Symbols. London, 1978.
- Kaniuth Kai, Gruber Martin, Anna Kurbangaliev, Frances Sachs, Alisher Sajdullaev, Mohsen Makki, Peter Biro.* Tilla Bulak – 2009 Vorbericht zur dritten Kampagne // AMIT. Band 42. Berlin, 2010.
- Müller W.* Die heilige Stadt. Roma quadrata, himmlisches Jerusalem und die Mythe vom Weltnabel. Stuttgart, 1961.
- Wilhelm R.* Die Seele Chinas. Neuausg. Frankfurt, 1980.

УДК: 903 (737.11: 336.746: 671.4)

ДРЕВНЕТЮРКСКИЕ РУНИЧЕСКИЕ ПАМЯТНИКИ УЗБЕКИСТАНА

© 2017. А.В. Кубатин

Ташкентский государственный институт востоковедения

Ключевые слова: Узбекистан, Тюркский каганат, древнетюркское руническое письмо, система письменности, титул, керамика, монеты, наскальные надписи.

Мақолада бугунги кунда маълум бўлган ва сопол буюмлар, қоятошлар ва танга устига ёзилган ёзувлардан ташиқил топган Ўзбекистон қадимги туркий руник ёдгорликлар масаласига тўхталган. Муаллиф, қадимги туркий руник ёзуви билан ёзилган битикларни таҳлил этиб, баъзилари учун ўзининг янги ўқишларини таклиф этган. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида топилган қадимги туркий руник ёзувда битилган ёдгорликлар мазкур ҳудудда ушбу ёзув турининг шаклланиши ва тарқалишининг муҳим ареалларидан бири бўлганлигидан далолат берадилар.

OLD TURKIC RUNIC INSCRIPTIONS OF UZBEKISTAN

A.V. Kubatin

The article discusses known today ancient Turkic runic inscriptions of Uzbekistan, which are present by inscriptions on the ceramics, rocky surface and coin legends. The author analyzed the readings of the inscriptions made by ancient Turkic runic script, and for some of them offered his new reading. In addition, monuments of ancient Turkic runic script found on the territory of Uzbekistan, indicate that the area was one of the most important areas of formation and propagation of this kind of script.

Как известно, находки древнетюркских рунических надписей, являющихся культурным наследием Тюркского каганата, происходят в основном с территории Монголии, Южной Сибири и обширных степей Евразии, простирающихся от Алтая до Восточной Европы. В эпоху раннего средневековья Евразийские степи, включающие территорию современных Казахстана, Восточного Туркестана (северная часть), Северного Кавказа и Южной Украины, являлись местом обитания этносов, ведущих, в основном, кочевой образ жизни. При этом следует отметить, что на сегодня не имеется точных сведений о наличии или отсутствии у данных этносов определенной системы письменности в период до Тюркского каганата. Однако уже в ту эпоху междуречье Амударьи - Сырдарьи, более известное в западной литературе под географическим термином Трансоксиана (*араб.* Мавераннахр) и включавшее в себя такие оазисные владения, как Согд, Фергана, Чач (Ташкент), Тохаристан, Хорезм и др., которые располагались на территории современного Узбекистана, уже с начала нашей эры считалось регионом, где проживали оседлые народности с развитой системой письменности.

В результате археологических работ, проводившихся на территории Узбекистана, было обнаружено около 30 металлических и керамических изделий с древнетюркскими руническими надписями, которые до сих пор детально и подробно не изучены (Sadikov, 2001. S. 297-305; Кляшторный, 1959, С. 167-168; Васильев, 1983. С. 41-42; Рахмонов, Матбобоев, 2006. Б. 16-40). Этот факт ставит перед исследователями вопрос о том, с какими факторами было связано распространение древнетюркской рунической письменности на данной территории, где уже существовала многовеко-

вая письменная традиция, представленная в основном согдийской, хорезмийской и отчасти бактрийской письменностью.

Вместе с тем заслуживает внимания тот факт, что в Ферганской долине, издревле известной в качестве региона в котором проживали оседлые этносы, наряду свыше 20 находками древнетюркских рунических надписей, занявших место на металлических и керамических изделиях, были также найдены две бронзовые монеты с легендарной выполненной согдийским и древнетюркским руническим письмом, которые непосредственно связаны с Западно-Тюркским каганатом или одной из ветвей его правящей династии, правившей в этом регионе (Babayar, 2008. S. 135-146). Древнетюркские рунические надписи были обнаружены также в таких историко-географических областях региона, как Чач (Ташкент), Бухара, Согд (Гузар / Кашкадарья). В частности, в 1930-годах на территории исторического Согда среди документов архива горы Муг, относящегося к владению Панч (Пенджикент / Таджикистан), наряду с согдийскими документами был обнаружен документ, написанный древнетюркским руническим письмом (Бернштам, 1951. С. 65-75).

Создание свода памятников древнетюркского рунического письма, происходящих с территории междуречья Амударьи - Сырдарьи и прилегающих к нему областей, которые в той или иной степени имеют отношение к Западно-Тюркскому каганату или связанным с ним династиям, а также их удачное прочтение и интерпретация, являются одной из актуальных проблем современной тюркологии. Вместе с тем, на сегодня отсутствуют комплексные исследования в этой области, и к тому же, трудно согласиться с предложенными некоторыми специалистами чтениями найденных в Узбекистане древнетюркских рунических надписей, которые при этом во многих случаях противоречат друг другу (Harmatta, 1988. S. 39-41; Sadikov, 2001. S. 297-305; Васильев, 1983. С. 41-42; Маликов, 2000. 24 с.; Рахмонов, Матбобоев, 2006. Б. 16-40).

Известные нам на сегодня находки древнетюркского рунического письма, происходящие с территории Узбекистана, можно классифицировать следующим образом:

1. *Надписи на керамических и металлических изделиях.* Большинство подобных находок составляют керамические изделия различной формы и величины, найденные в результате археологических раскопок на городищах Ферганской долины, как Мунчактепе (Наманган), Кува, Аваль (Фергана), Ломбитепа (Андижан), а меньшую часть находки с городища Канка (Ташкент/Чач) и из селения Чашмимиран (Кашкадарья/Южный Согд). К группе памятников древнетюркского рунического письма Ферганской долины наряду с находками, происходящими с территории Узбекистана, можно причислить также находки, обнаруженные в Юго-западном Кыргызстане (Ош, Джалалабад) и Северном Таджикистане (Ашт, Исфара), которые издревле в культурном и географическом отношении являлись составной частью Ферганы.


Следует еще раз отметить, что большинство керамических находок с надписями, выполненными древнетюркским руническим письмом, происходят из Ферганской долины, которая являлась одной из важных областей распространения этой письменности. Надписи подобного типа, происходящие с территории Ферганы, впервые были опубликованы Ю.А. Заднепровским (Заднепровский, 1967. С. 270-274). Как отмечает венгерский исследователь Я. Харматта, из 12 надписей на керамике, опубликованных этим исследователем, только 2 поддаются прочтению: одна из них

представлена находкой из Шурабашата, а другая – находкой из Шамирзатепе (Harmatta, 1988. S. 39).


Согласно Я. Харматте, надпись, занявшую место на керамическом сосуде из Шурабашата и состоящую из 9 знаков, можно прочесть следующим образом: $\times\uparrow\uparrow\uparrow\uparrow\uparrow\uparrow\uparrow\uparrow\uparrow$ (dkpxvLiRv) - $u^1ri^1lu^0p^2k^2d$ - *Uri Uluḡ Apa Ökädä*, то есть “от Уры Улуḡ Апа Оге” или “от Уры Улуḡ Апа, от Оге” (Harmatta, 1988. S. 39-40) (Таблица I.1). На наш взгляд исследователь прочел эту надпись вполне удачно, однако не приводит для нее должной интерпретации. В частности, слово *uri*, занявшее место в этой надписи, зафиксировано в таких Орхонских памятниках, как стэлы Кюль Тегина, Бильге кагана и Шине-Усу, в значении “мужчина”, “мужское потомство”, а в стэле из Суджи в значении “сын” (Древнетюркский словарь, 1969, С. 614; Şirin-User, 2009. S. 247, 253). Термины *uluḡ* и *apa*, которые следуют за этим словом, являются эпитетами, которые зафиксированы в большинстве выше упомянутых стэл. Хотя Я. Харматта читает последние два знака, как *ökädä* и интерпретирует их, как “от Оге”, но к подобному чтению и интерпретации следует относиться с осторожностью. Так как, согласно орфографии за последним знаком следовало бы ожидать наличие знака а А (*a*, *ä*). Как известно, термин *ögä* (*oge*) встречается в стэлах в качестве определенного титула и имеет значение “советник; член государственного совета”. Таким образом, данную надпись мы предварительно под знаком вопроса читаем, как «от мужского потомка (...) Улуḡ Апа Оге (?)», а сам титул *Uluḡ Apa Ökä*, занявший место в этой фразе, возможно, принадлежал одному из высокопоставленных чиновников Тюркского каганата или одному из его представителей, правивших в Ферганской долине.

Вторая из упомянутых выше надписей, найденных в Ферганской долине, заняла место на сосуде из Шамирзатепе в его нижней части ближе к донцу и состоит из 5 знаков. Однако, учитывая плохую сохранность сосуда, а также то, что два знака в надписи повреждены, сказать что-либо определенное по поводу их чтения не представляется возможным. Я. Харматта предлагал следующее чтение этой надписи: $\uparrow\uparrow\uparrow\uparrow\uparrow$ (${}^0s^2l^0m^1q^2t^1ni$) (Таблица I.2). По мнению исследователя, окончательное прочтение первого знака не представляется возможным в связи с тем, что от него сохранилась лишь небольшая изогнутая часть. От второго знака сохранилась только верхняя часть и его можно прочесть, как 0m . Третий знак виден отчетливо, однако, он может быть древнетюркским руническим знаком *q*, написанным повернутым в противоположную сторону. Согласно исследователю, самым вероятным чтением этой надписи является: *Isim Qani* (женское имя) (Harmatta, 1988. S. 40-41). На наш взгляд более логично читать эту фразу, как *ešim qani* “где же мой друг / приятель (...)”. Исходя из этого, надпись на данном сосуде можно причислить к надписям, имеющим поминальный характер, т.е. эпитафиям. Тем более известно, что значительную часть памятников древнетюркского рунического письма представляют надписи подобного рода. Однако почти стершийся первый знак можно реконструировать не только, как *Y* (\S), но и в форме *l* (l^2) или *C* ($i\check{c}$). Второй знак может сопоставить кроме графемы *m* (*m*) также со знаком *D* (d^1). Третью графему более логично считать не знаком *q* (*q*), написанным повернутым в другую сторону, а знаком *t* (t^2). Таким образом, мы считаем целесообразным читать этот знак ${}^e t$ и отождествляем это слово с древнетюркским глаголом *et-* “совершать, создавать, делать; строить” (Древнетюркский словарь, 1969. С. 186) или “упорядочивать, приводить в порядок, устраивать” (Tekin, 2003. S. 244-245). Последние два знака на поверхности сосуда явно являются древнетюркскими руническими знаками, первый из кото-


рых мы читаем, как N (n^1), а второй, как i I (i, i). В данном случае последние знаки, объединяя в одно слово, можно прочесть, как $^a ni$ и связывать данное слово с древнетюркским местоимением 3 лица в винительном падеже - ani «его» (Erdal, 2004. P. 199). Следовательно, последние два слова Шурабашатской надписи можно прочесть, как древнетюркское изречение $et ani$ – “сделай / сотвори его ...”. Если реконструировать два первых полустертых знака надписи в форме mY и читать их, как $^a s^i m$, то присоединяя к нему последующие два слова $^e t ^a ni$, мы получаем фразу $^a s^i m ^e t ^a ni$, которую можно интерпретировать как благопожелание на древнетюркском языке “пища моя сделай / сотвори его ...”. Как известно, у древних тюрков также имела традиция писать благопожелания на различной домашней утвари: кувшинах, чашах и других подобных им сосудах. Таким образом, фразу на этом керамическом сосуде можно считать одним из примеров таких надписей благопожеланий.

Другой находкой древнетюркского рунического письма является надпись на ручке кувшина, найденного в результате раскопок на городище Ломбитепе, расположенного в Мархаматском районе Андижанской области. Данная надпись нанесена на ручку кувшина снизу вверх и состоит из 7 знаков, которые сохранились очень хорошо и видны отчетливо (Таблица I.3a-b). Тюрколог К. Садыков, приводя прорисовку этой надписи в форме , читает ее, как $(\ddot{a})ki am(i)n k(\ddot{a})\check{c}$ и переводит данную фразу следующим образом: “проживи две жизни (проживи долгую жизнь); проживи жизнь двух людей”, “да будет покой на том в свете” (Sadikov, 2001. S. 298-299).

В отличии от К. Садыкова, Н. Рахманов и Б. Матбабаев читают данную надпись в форме $eki at as kisan$ и переводят следующим образом: «Двум лошадям длинная верёвка». По мнению исследователей, данная фраза является мудрым изречением, призывающим людей не спешить при выполнении работы, к мудрому принятию решений, обдуманым действиям (Рахмонов, Матбобоев, 2006. Б. 39). Однако искать в столь малой надписи какую-либо пословицу или мудрое изречение, на наш взгляд, логически не представляется возможным. Как известно, большинство надписей, занявших место на поверхности различных сосудов, связаны с функциями, которые они выполняли. Иногда мы можем наблюдать нанесение на подобные сосуды благопожелания мастера или лица заказавшего изделие. Таким образом, мы считаем, что чтение этой надписи, предложенное К. Садыковым более приемлемо, как в палеографическом, так и в смысловом отношении.

Определенное количество фрагментов керамики с древнетюркскими руническими надписями были найдены в результате археологических работ на городище Кува (Ферганская область) и впервые были представлены научной общественности в 1964 году В.А. Булатовой (Таблица I. 4). Одна из таких находок представлена надписью на поверхности кувшина, состоящей из 12 знаков. Одним из первых данную надпись попытался прочесть Э. Тенишев, но при этом, не предложив чего-либо удовлетворительного по поводу ее чтения (Рахмонов, Матбобоев, 2006. Б. 33). Надо отметить, что фрагмент керамики с надписью поврежден, первый и последний знак которой не сохранились. Н. Рахманов и Б. Матбабаев, приводят прорисовку этой надписи следующим образом:  и читают ее, как $kaN:iNRFkaNv\dots(türük bod)una kök arani ana k(\ddot{a}lti)$ – “(Тюркскому народу) пришла божественная мать Араны» (Рахмонов, Матбобоев, 2006. Б. 33-34). По мнению исследователей, слово $Arani$ в этой надписи может быть личным именем, принадлежащим одной из божественных существ пантеона древних тюрков. Однако, нам не известно наличие подоб-

ного личного имени или названия какого-либо божества, как у древних тюрков, так и у современных тюркских народов. Учитывая этот факт, а также другие особенности надписи, согласиться с подобным ее прочтением не представляется возможным. Три знака данной надписи, которые заняли место перед знаком словоразделителя (:), присущего древнетюркскому руническому письму, т.е. графемы, идущие после слова $k^{\circ}k^2$, можно разделить на два слова, как r^1 и n^1I . В таком случае, вышеупомянутые два знака будет логично читать, как ani “его”, т.е. мы здесь имеем место с формой винительного падежа древнетюркского местоимения третьего лица. В целом вопрос об окончательном прочтении данной надписи остается открытым.

Древнетюркские рунические надписи, найденные в последующие годы на городище Кува, имеют хорошую сохранность и более читабельны, чем предшествующие находки. В 1996 году во время археологических работ на городище Кува археолог Г.П. Иванов обнаружил фрагмент кувшина с надписью, состоящей из пяти рунических знаков:  (Таблица I.5). Вышеупомянутый исследователь предложил читать эту надпись, как $^a\eta a \ ^a\check{s} \ ^a\check{l}^i\eta$, переводя ее следующим образом: “берите в него еду (пищу)”. В отличие от него Н. Рахманов и Б. Матбабаев предлагают читать эту надпись, как $ai\eta \ a\check{s} \ alii\eta$ – “берите пищу для птицы (или домашнего животного)” (Рахмонов, Матбобоев, 2006. Б. 16-17). На наш взгляд, чтение Г.П. Иванова более близко к истине. В качестве альтернативы можно привести следующее чтение этой надписи, как $^a\eta a \ ^a\check{s} \ ^a\check{l}^i\eta$ – «поедим пищу в нем (т.е. в этом сосуде)», и эта фраза, скорее всего, является древнетюркским благопожеланием (Kubatin, 2011. S. 463).


Среди находок древнетюркских рунических надписей, найденных в последние годы на городище Кува, следует отметить надпись на обломке керамического кувшина, состоящую из 10 рунических знаков (Таблица I.6). Н. Рахманов и Б. Матбабаев, приводя прорисовку надписи в форме , читают ее, как $a\check{s} \ apari \ arali \ as$ «остров Апары у Ача большой». По мнению исследователей, первый знак надписи, читаемый ими, как $A\check{c}$, является названием местности, а следующие знаки pr^1I они читают как $Apari$, считая, что это слово, возможно, является названием острова на реке Сырдарья. В подтверждение этого они приводят тот факт, что следующие за ним три знака r^1I^1I читаются, как $arali$ и это слово связывается ими с древнетюркским термином $aral$ «остров» (Рахмонов, Матбобоев, 2006. Б. 18-19). Вышеупомянутые исследователи из двух знаков следующих за этими словами, первый читают, как as «большой», а второй считают магическим знаком или тамгой. Таким образом, они интерпретируют всю фразу в качестве магического выражения (Рахмонов, Матбобоев, 2006. Б. 18-19). Однако анализ этой надписи в палеографическом отношении показывает несостоятельность подобного чтения. В частности, первый знак надписи (C), представленный во многих памятниках древнетюркского рунического письма, читается, как $i\check{s}$, в тоже время для написания слова $a\check{s}$ в них использовался другой знак с (\check{c}). Таким образом, этот знак вместе со следующим знаком, служащим для обозначения согласного p (п), можно прочесть, как $i\check{c}p$ «выпив, испив». Подобное чтение и интерпретация вполне логичны, учитывая, что эта надпись нанесена на сосуд. При этом следует отметить, что в известных нам на сегодня письменных источниках нет упоминаний острова под названием $Apari$. Кроме того, читать последний знак в форме as «большой», как это делают Н. Рахманов и Б. Матбабаев, также спорно, так как, данное слово в подобном значении не известно для древних и современных тюркских языков и диалектов.



Таблица 1. Древнетюркские надписи, найденные на территории Узбекистана

Среди находок древнетюркской рунической письменности Ферганы следует отметить керамические изделия, на которые нанесены краткие надписи. Данные находки хотя и были опубликованы Н. Рахмановым и Б. Матбабаевым, однако каких-либо мнений относительно их чтения и интерпретации высказано не было (Рахмонов, Матбобоев, 2006. Б. 24). Одна из таких надписей представлена двумя знаками, нанесенными на тулово кувшина (таблица I.7a-b), которое мы читаем как древнетюркское $xR r'g' - a'r'y$ “чистый, незапятнанный; непорочный; истинный, праведный, святой”. Исходя из этого можно предполагать, что эта надпись является указанием на чистоту продукта, хранящегося в кувшине.

Вторая надпись, занявшая место на поверхности керамической чаши, найденной в Куве, состоит из 3 знаков (таблица I.8a-b). Следует отметить, что Н. Рахманов и Б.


Матбабаев, которые первыми опубликовали эту находку, к сожалению привели прорисовку этих знаков в зеркальном отражении (Рахмонов, Матбобоев, 2006. Б. 24, 5-расм). В действительности эта надпись выглядит следующим образом $\Lambda \downarrow \uparrow$ и ее можно прочесть, как $al'ič$ “бери, пей” (Г. Бабаяров) или $al'iy$ “бери(те)” (А. Кубатин) (Kubatin, 2011. S. 465). Однако, с точки зрения палеографии второе чтение более приемлемое.



Керамические изделия или их фрагменты, на которых заняли место древнетюркские рунические надписи, кроме Ферганской долины были найдены также в Ташкентской и Кашкадарьинской областях. Одной из таких находок является надпись на поверхности кувшина, найденного в селении Чашмимиран Дехканабадского района Кашкадарьинской области, которая состоит из 3 знаков (Таблица I.9). Данная надпись, состоящая из следующих знаков $\uparrow \downarrow \uparrow$, была прочтена К. Садыковым, как древнетюркское *siyar* – “половина”, что, по его мнению, должно быть было связано с функцией данного сосуда. Как считает исследователь, этот сосуд, возможно, предназначался для измерения жидкостей и составлял половину определенной меры, на что указывает надпись на его поверхности (Sadikov, 2001. S. 303). Однако согласиться с подобной трактовкой очень трудно. Так как знаки, занявшие место на кувшине напоминает следующие графемы: первый - мягкий $s/\š$, второй - $ič$ (W) и последний знак - r^1 или n^2 . Пока же мы предварительно предлагаем читать данную надпись, как $s^a\eta^i r$ и отождествляем его с древнетюркским словом *sayir* “сосуд для приготовления напитков” (Древнетюркский словарь, 1969. С. 480), объясняя это чередованием звуков “ $\eta \sim \gamma$ ”, характерным для древнетюркского языка (Ölmez, 2010. S. 214-217).



Некоторые древнетюркские рунические надписи происходят из Ташкентского оазиса (городище Канка, Бекабад, Келес). Среди них для нас интерес представляет надпись на обломке керамики, найденного на городище Канка (Аккурганский район) – руинах средневекового Харашкета, являвшегося одним из важных административных центров Западного-Тюркского каганата. Надпись состоит 3 знаков, напоминающих графемы VAV, которую С.Г. Кляшторный прочел, как $\check{s}ač$ – Чач (доисламское название Ташкентского оазиса) (Буряков, 2002. С. 11).


Наскальные надписи. На сегодня на территории Узбекистана известна только одна древнетюркская руническая надпись, нанесенная на скальную поверхность. В 1976 году А.В. Оськиным на южном склоне гор Кульджуктау, находящихся на северо-западе от Бухары, недалеко от колодца Тузбулак рядом с наскальными изображениями была обнаружена древнетюркская руническая надпись (Оськин, 1978. С. 166-173). Находка представлена сценой, изображающих двух воинов всадников с копьями, сидящих на лошадях, напротив которых имеется изображение воина с копьем, восседающего на двугорбом верблюде, под которой имеется надпись, состоящая из 10 знаков (Таблица I.10). С.Г. Кляшторный на основании следующей прорисовки этой надписи $\uparrow \downarrow \uparrow \downarrow \uparrow \downarrow \uparrow \downarrow \uparrow \downarrow$ прочел ее, как *ayiq utaci ig sešil* – “Восторжествуй над злом! Болезнь сгинь!” (Кляшторный, 1978. С. 173). Однако, на наш взгляд, подобное чтение и интерпретация данной надписи сомнительна, так как, читать ее подобным образом не позволяет палеографическая форма знаков. Оставив открытым вопрос по поводу прочтения первых четырех графем, последующие 6 знаков, стоящие после словоразделителя (:), мы предлагаем читать, как *oz içig öl* ($Wz Ič^i g^2 \check{W}l^2$) – “спасайся, сдавайся (или) умри!”. Таким образом, эта фраза является пояснительной надписью к изображению, соответствуя его сюжету, и представляет

собой изречения, возможно, угрозы, адресованные друг другу оппонентами, изображенными на наскальном изображении.




III. *Нумизматический материал.* В результате археологических работ, проводившихся в Ферганской долине на городище Кува (средневековая Куба) в 2002 и 2004 гг., в слоях, относящихся к раннему средневековью, были найдены две бронзовые монеты. Обе монеты идентичны друг другу по технике изготовления, размеру, весу и иконографии. Монеты имеют вес около 2 гр., а их диаметр составляет около 20 мм. На аверсе данных монет имеется погрудное изображение правителя в три четверти вправо, с округлым лицом, миндалевидными глазами, тонкими усами и спадающими до плеч длинными волосами. На реверсе же заняла место тамга в форме  в окружении согдийской легенды (таблица I. 11-12). Заслуживает внимания тот факт, что справа и слева от изображения правителя имеются надписи, выполненные древнетюркским руническим письмом. На одном из экземпляров монет этого типа, найденном в 2002 году, древнетюркская руническая надпись, занявшая место слева от изображения правителя, сохранилась лучше, чем надпись справа, которая значительно стерлась. На втором же экземпляре, найденном в 2004 году, наоборот надпись, имеющаяся справа от изображения правителя, имеет более лучшую сохранность, чем надпись занявшая место слева от него. Подобное характерно и для согдийской легенды, занявшей место на реверсе данных монет.

Монеты этого типа нашли свое отражение в публикациях Г. Бабаярова, который приводит прорисовку древнетюркской надписи, занявшей слева от изображения правителя, в форме  и предлагает читать ее, как Nxq ($q^a \gamma^a n^1$) - “каган” (?) (Бабаяров, 2004. С. 31-32; Babayarov, 2007. S. 151). На обоих экземплярах монет первый знак в данном слове сохранился плохо (...), но учитывая, что на первой монете он сохранился лучше, его более приемлемо читать, как q (k^1/q). Второй знак, занявший место посередине, кажется слившимся со следующим, и больше напоминает вариант древнетюркского рунического знака x (g^1/γ), который проявляет сходство с графемой x (g^1/γ) из древнетюркских надписей Таласа (Кыргызстан) (Alimov, Tabaldiyev, 2005. S. 118, 122). Последний знак напоминает своей формой один из вариантов графемы N (n^1). По этой причине надпись, расположенная слева от правителя, следует предварительно читать, как *qayun* “каган”. При этом, следует отметить, что подобное чтение не является окончательным (Babayarov, 2008. S. 135-146), т.к. для уточнения требуется новый нумизматический материал.

Древнетюркские рунические надписи, расположенные справа от правителя, имеют более лучшую сохранность: 1) ; 2) ). Первый знак надписи напоминает рунический знак g (g^2), написанный развернутым в противоположную сторону или же знак k (k^2), но не другие знаки и по этому поводу не может быть никаких сомнений. Расположенный в середине слова второй знак схож с древнетюркскими рунами N (n^1) или U (u, o). Последний знак по своей форме напоминает буквы m (m) или F (ñ) древнетюркского алфавита. Таким образом, данное слово можно прочесть, как *mNg* ($g^2 n^1 m$) либо, как *FUk* ($k^2 uñ$), но при этом его смысловая интерпретация на сегодня остается не решенной.

Согдийская легенда на первом экземпляре монет данного типа из Кувы, которая расположена вокруг тамги в форме  против часовой стрелки, в 2004 году была прочтена согдологом М. Исхаковым, как $\gamma'n'pn'$ – “защитник, страж очага/семьи” (Бабаяров, 2004. С. 31-32). Однако, ее палеографические особенности, а также легенда, занявшая место на втором экземпляре, найденном позже, свидетельст-

вуют о дискуссионности чтения, предложенного этим исследователем. Согдийская легенда, на первом экземпляре была реконструирована и прочтена Г. Бабаяровым, как ... [x'y'(n/c) (?) pny – “Деньга ... кагана (?)” (Babayar, 2007. S. 151), а легенду на втором экземпляре мы совместно с вышеупомянутым исследователем читаем, как... [cp]yw x'y'n?] – “... Джабгу каган?”. Таким образом, согдийскую легенду на данных монетах можно предварительно под знаком вопроса читать, как ... *срүү x'y'n pny?* – “Деньга ... Джабгу-кагана (?)”. Для внесения ясности в это чтение и для его подтверждения требуются новые находки монет данного типа.

Читать легенду на монетах подобным образом, а также считать, что чекан данных монет непосредственно или косвенно связан с Западно-Тюркским каганатом, позволяют также следующие факты. В частности на реверсе нескольких типов монет из Чача/Ташкентского оазиса, чекан которых непосредственно связан Западно-Тюркским каганатом, заняла место тамга в форме , схожая с тамгой на монетах Ферганы, которую окружает согдийская легенда ... *pny žpүү* – “деньга ... джабгу”. Кроме того, изображения на монетах двух регионов проявляют сходство и в иконографии. Таким образом, сходство между тамгами (Чач - Фергана) и в иконографии, имеющее место между монетами двух регионов, говорит о том, что данные монеты Ферганы чеканились либо от имени правителей Западного-Тюркского каганата – Ябгу или представителями одной из ветвей династии Ашина, правивших в раннем средневековье в Ферганской долине.

Остановившись на вопросе о времени чекана и принадлежности данных монет, мы можем сказать, что они являются монетами Западно-Тюркского каганата, чеканенными в конце VI – начале VII в. В пользу такой датировки говорит и тот факт, что данные монеты были обнаружены в результате археологических раскопок на городище Кува, которая в эпоху раннего средневековья была одним из центров управления Западного каганата в Ферганской долине, в слоях, относящихся к VI-VIII векам. Как отмечалось выше, заслуживает внимания и тот факт, что тамга на этих монетах аналогична с тамгами на монетах с титулом “джабгу”, чеканенных Западно-Тюркским каганатом в Чаче (Ташкентский оазис). Чекан монет с данным титулом относится к первому этапу становления этого каганата – *Ябгуйство* (*Ябгулук*), то есть к последней четверти VI – началу VII в. Кроме того согдийская легенда на реверсе этих монет выполнена полукурсивным письмом, характерным для вышеупомянутого периода, что еще раз подтверждает принадлежность этих монет к этому времени. На наш взгляд данные монеты с легендами, выполненным древнетюркским руническим и согдийским письмом, являются первыми монетами, чеканенными западными тюрками в Фергане.

Таким образом, нумизматический материал позволяет говорить о том, что древнетюркская руническая письменность впервые стала применяться не в первой четверти VIII в. в Орхоно-Енисейском регионе как считают большинство исследователей, а как минимум за 100-150 лет до этого в Средней Азии.

Рассмотренные выше памятники древнетюркского рунического письма, найденные на территории Узбекистана, говорят о том, что данная территория являлась одним из важных ареалов формирования и распространения этого вида письменности. Данные находки говорят о том, что несмотря на многовековую письменную традицию, существовавшую в данном регионе и представленную в основном согдийской, хорезмийской и отчасти бактрийской письменностью, древнетюркская руническая письменность занимала присущее себе место в письменной культуре региона.

Использованная литература:

- Бабаяров Г.** Тюркские титулы на монетах Чача VII-VIII вв. // *Humboldt Kolleg II. II. International Conference "Historical Role of Alexander von Humboldt and his Expeditions in the Development of World, regional and National Sciences"*, October 14-16, Almaty, 2004.
- Бернштам А.Н.** Древнетюркский документ из Согда // Эпиграфика Востока. V. М., 1951.
- Буряков Ю.Ф.** К истории раннесредневекового Чача // *O'zbekiston tarixi*. Тошкент, 2002, № 3.
- Васильев Д.Д.** Графический фонд памятников тюркской рунической письменности азиатского ареала (Опыт систематизации). М.: Наука, 1983.
- Древнетюркский словарь.** Ленинград: Наука, 1969.
- Заднепровский Ю.А.** Тюркские памятники в Фергане // *Советская археология*. М., 1967, № 1.
- Кляшторный С.Г.** Древнетюркская руническая надпись на бронзовом перстне из Ферганы // *Археологические работы в Таджикистане в 1957 году. Труды АН ТаджССР, Душанбе, 1959. Т. III, вып. V.*
- Кляшторный С.Г.** Наскальная руническая надпись в Кызылкумах // *Полевые исследования Института этнографии 1976. Москва, 1978.*
- Маликов А.М.** Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI-VIII вв. (по археологическим и письменным источникам) // Автореф. дисс. канд. ист. наук. Самарканд, 2000.
- Оськин А.В.** Новые находки петроглифов в Кызылкумах // *Полевые исследования Института этнографии 1976. Москва, 1978.*
- Раҳмонов Н., Матбобоев Б.** Ўзбекистоннинг кўхна туркий рун ёзувлари. Тошкент, 2006.
- Alimov A., Tabaldiyev K.** A new old Turkic runic inscription on a boulder from Talas // *Journal of Turkish Studies, Feschrift on Honour of Orhan Okay I. Harvard University, 2005, Volume 30/1.*
- Babayar G.** Köktürk Kağanlığı sikkeleri Katalogu // *The Catalogue of coins of Turkic Qaghanate. Ankara: TİKA, 2007.*
- Babayar G.** Fergane Bölgesinde Bulunan Türk-Runik Yazılı Köktürk Sikkeleri Üzerine // *Dünden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. İstanbul, 2008.*
- Erdal M.** *A Grammar of Old Turkic. Leiden-Boston: Brill, 2004.*
- Harmatta J.** *Avarların Dili Sorununa Dair. Doğu Avrupa'da Türk Oyma Yazılı Kitabeler. Çev. H. Akın. Ankara: TTK, 1988.*
- Kubatin A.** Özbekistan'da Bulunan Bazı Eski Türk Yazıları Üzerine // *Ötüken'den İstanbul'a Türkçenin 1290 Yılı (720-2010) – From Ötüken to Istanbul, 1290 Years of Turkish (720-2010). 3-5 Aralık, İstanbul / 3th – 5th December, İstanbul. İstanbul, 2011.*
- Sadikov K.** Özbekistan'da Bulunan Göktürk Harfli Yeni Metinler // *Türk Dili Araştırmaları Yıllığı – Belleten, 2000. Ankara: TTK, 2001.*
- Şirin-User H.** Köktürk ve Ötüken Uygur Kağanlığı Yazıtları. Söz Varlığı İncelemesi. Konya: Kömen, 2009.
- Tekin T.** *Orhon Türkçesi Grameri. İstanbul, 2003.*
- Ölmez M.** Eski Türk Yazıtlarının Yeni Bir yayımı nasıl olmalıdır // *I. Uluslararası Uzak Asya'dan Ön Asya'ya Eski Türkçe Bilgi Şöleni, 18-20 Kasım 2009, Afyonkarahisar. Afyonkarahisar, 2010.*

ФАН ТАРИХИ

ИСТОРИЯ НАУКИ

HISTORY OF SCIENCES

УДК: 9 (575.1)

САМАРҚАНД МУЗЕЙИ КОЛЛЕКЦИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ТАРИХИДАН

© 2017. М.А. Юнусов

Самарқанд Давлат музей-қўриқхонаси

Таянч сўзлар: Афросиёб, илк коллекциялар, маҳаллий коллекционерлар, илмий жамиятлар, вилоят статистика комитети, Самарқанд музейи

В данной статье рассматривается состояние музейной работы в Самарканде во второй половине XIX века, предоставлены сведения о прежних коллекционерах, создании музейной коллекции и впоследствии Самаркандского музея

FROM THE DEVELOPING HISTORY OF THE COLLECTION OF SAMARKAND MUSEUM

M.A. Yunusov

The article includes information about the work of museum in Samarkand at the second part of 19th century, first collectors, the foundation of Samarkand museum and formation of museum collection.

Самарқанд музейи ўзининг бетакрор экспонатлари, юксак илмий салоҳияти билан Марказий Осиёдаги етакчи маданий-маърифий, илмий муасасаларидан бири ҳисобланади. Музейнинг ташкил этилиши унинг коллекциясининг шаклланиши ва бойиб бориши билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу ҳаракат ўз даврининг маърифатли шахслари томонидан амалга оширилган. Хусусан, бу борада М.Н. Ростисловов, Л.С. Барщевский, савдогар Решетников, Мирзо Абдулла Бухорий, Мирзо Абду Раҳмон, М.Н. Вирский, В.Л. Вяткин, И.Т. Пославскийлар катта рол ўйнадилар. Айниқса Мирзо Абдулла Бухорий ва Мирзо Абду Раҳмонларнинг ўз коллекцияларидан Самарқанд музейи фойдасига воз кечишлари уларни ватанпарвар фидойи инсон сифатида тарихга муҳради.

Музей коллекциясининг шаклланишининг бошланиши 1874 йилда Афросиёб шаҳар харобаларида Борзенковнинг археологик қазиш ишлари ва бу ҳақдаги Зарафшон округи губернатори канцеляриясида алоҳида топшириқлар бўйича амалдор вазифасида ишлаган М.Н. Ростиславовнинг мақоласи билан боғлиқдир. Чунки айнан Борзенковнинг археологик қазиш ишлари натижасида йиғилган ашёлар М.Н. Ростиславов раҳбарлигида Зарафшон округи губернатори канцеляриясида тўпланади. Ҳатто қадимий ашёлар ва тангаларни сақлаш учун витриналар, столлар сотиб олинади. Коллекцияга қўшимча равишда М.Н. Ростиславовнинг илтимосига кўра қадимги қўлёмалар ва тангалар Зарафшон округи губернаторлиги томонидан сотиб олинади. “Округ бошлиғи генерал-майор А.К. Абрамовнинг ёзишмаларига қараганда 1874 йил 2 июл ва 9 сентябрда қўлёмалар ва ноёб китобларни сотиб олиш учун дастлаб 126 рубл, кейин 52 рубл ажратилган” (Упфал, Забродин, 1971. С. 403).

Ҳатто, 1875 йилда қадимги қўлёмалар ва тангаларни йиғиш учун Бухоро шаҳрига самарқандлик Қори Саид Умаров махсус юборилишини Самарқанд коллекциясини бойитиш мақсадида ўтказган экспедиция сифатида баҳолаш мумкин.

Архив манбаларига кўра, 1875 йил ўрталаридаёқ қабр тошлари, қадимги ёзувлар ва бошқа уй-рўзғор буюмлар, 700 дона атрофида мис, кумуш, олтин тангалар ва тахминан 30 та кўлёмзадан иборат ашёлар бўлган (Упфал, Забродин, №2021. С. 94). Коллекциянинг 1876 йилда Петербургда ўтказилган шарқшуносларнинг халқаро съезди кўргазмасида, 1879 йилда Москвада ўтказилган антропологик кўргазмада иштироки ҳам унинг нақадар бой ва хилма-хил бўлганлигини кўрсатади.

1883-1884 йилларда коллекциянинг катта қисми Тошкент музейига берилади. 1887 йилда Самарқанд губернатори канцеляриясида сақланаётган коллекциянинг қолган қисми Самарқанд Вилоят статистика Кумитасига ўтказилади.

Айнан ана шу вақтдан бошлаб коллекциянинг кейинги ривожига бевосита кумитанинг раиси М. Вирскийнинг саъйи ҳаракатлари билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, коллеция учун алоҳида бино ажратилиб, ашёлар тўғрисидаги маълумотлар “Самарқанд вилояти маълумотномаси”да чоп этиб борилади. Шу билан бир қаторда М. Вирский раҳбарлигида Вилоят статистика кумитасининг Самарқанд ҳудудидаги маданий бойликларни илмий рўйхатга олиш борасидаги ишлари натижасида коллекцияга нафақат сайёҳлар ёки хаваскор тадқиқотчиларнинг, балки машҳур олимларнинг ҳам қизиқиши ортиб борди. Жумладан, 1894 йилда Самарқандда бўлган Н.И. Веселовский Афросиёбдан топилган ва Петербургда жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган археологик ашёлар билан танишиб чиқади ва уларни “Петербургга юбормасдан Самарқандда қолдириш ва ташкил этилиши кутилаётган археология музейига топшириш” ни таклиф этади (Упфал, Забродин, №1541. С. 11).

1895 йил 29 декабрда Самарқанд вилояти статистика комитетининг умумий йиғилишида полковник И.Т. Пославскийнинг “худуддаги қадимий ёдгорликларни аниқ ва тизимлаштирилган ҳолда рўйхатга олиш ва таснифлаш” таклифи билан чиқди (Вяткин, №501. С. 1). Кумита раиси И.Т. Пославский томонидан ўртага ташланган таклифни маъқуллаб, Самарқандда Туркистон археология хаваскорлари тўғараги филиалини очишни таклиф қилди. Шу тариқа 15 та аъзодан иборат Туркистон археология хаваскорлари тўғараги Самарқанд бўлими ташкил этилди (Вирский, 1985). Бу эса келгусида Самарқанд музейи коллекцияларининг бойитилишида, худуддаги ёдгорликларни илмий рўйхатга олиш, уларни музейлаштириш ишларида муҳим рол ўйнади.

Музейнинг бевосита шаклланишида Туркистон генерал-губернаторлигига “алоҳида топшириқлар бўйича амалдор” сифатида “ўлкани тарихий-археологик жиҳатдан ўрганиш” учун юборилган Д.И. Эварницкий фаолияти ҳам муҳим бўлиб, у нафақат Туркистон матбуотида, балки халқаро миқёсда Самарқандда музей ташкил этиш чақириғи билан чиқди. 1892-1895 йилларда Самарқандда фаолият олиб борган Д.И. Эварницкий “Самарқандда қадимги давр музейи ташкил этиш масаласига оид” номли мақоласида талабчанлик билан куйиниб ёзади: “Самарқандда музей ташкил этиш-ҳаётий зарурат, лекин бизнинг славянча лоқайдлигимиз ва бепарволигимиз бор экан бу муаммони ҳал этиш амримаҳол... . Бошқарув мана шу ҳақда ўйласин” (Эварницкий, 1893). У ижтимоий-ахлоқий вазифаларни бажарадиган музей комплексини таклиф этади: “... Унда (музейда М.Ю.) илмий, тарихий-ижтимоий характердаги китоблар бурчаги ташкил этилиши халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тушуниб олишда, ахлоқий қонунларга мос келмайдиган тушунчаларни англаб олишда бой озуқа вазифасини ўтайди” (Эварницкий, 1893).

Д.И. Эварницкий фақатгина музей иши Самарқанд ёдгорликлари ва хусусий коллекцияларнинг сақлаб қолишда қафолат бўлади, деб ҳисоблайди. Капитан Л.С. Бар-

щевский коллекциясининг аянчли тақдири Д.И. Эварницкий фикрининг исботи бўлди.

Шарқий Бухоро атрофлари ва Афросиёб шаҳарчасидан топган қадимий ашёлар намуналари ҳисобига бойитиб борилган ва таркибида юзлаб сопол бўлаклари, шиша ва бронзадан ишланган буюмлар, безак берилган оссуарий бўлаклари, 500 тача терракоталар ва 10000 дона тангадан иборат (Лунин, 1958. С. 42). Л.С. Барщевский коллекциясини Император археология комиссияси сотиб олишни таклиф этади. Капитаннинг ўзи ҳам бунга хайрихоҳлик билдиради. Бу жараён хатто матбуотда ҳам ўз аксини топади. Хусусан, бу борада “Окраина” газетасида қўйидагича ёзилади: “Бизга археолог Д.И. Эварницкийдан мерос қолган Самарқанд шаҳрида музей ташкил этиш ғояси яқинда рўёбга чиқадигандай, вилоят бошлиғи граф Н.Я. Ростовцев Л.С. Барщевскийнинг Самарқандда мавжуд коллекциясини сотиб олиш таклифи билан чиқди” (“Окраина”. №121. 1893 г.). Лекин Вревскийнинг рад жавоби туфайли 1895 йилда Л.С. Барщевский ўз коллекциясини катта қисмини Леонда истиқомат қилувчи француз офицери Манжинига сотиб юборади (Упфал, Забродин, №1541. С. 11). Коллекциянинг қолган қисми эса “1896 йил январ ойида москвалик савдогар Решетников томонидан сотиб олиниб, Самарқанд шаҳрида музей очилишига тайёргарлик кўраётган Самарқанд вилоят статистика кумитасига тухфа қилинади” (Лунин, 1958. С. 42).

1896 йилга келиб Самарқандда музей ташкил этиш учун барча шарт шароитлар етарли бўлиб, 13-июлда Самарқанд вилояти статистика кумитасининг фавқулудда йиғилишида граф Н.Я. Ростовцев томонидан икки масала муҳокамага қўйилди. Биринчи масала ёдгорликларни муҳофаза қилишга оид чоралар зарурияти... иккинчи масала Самарқанд шаҳрида қадимги давр музейини очиш масаласи эди.

Орадан бир ҳафта вақт ўтиб, 1896 йил 21-июлда Самарқандда қадимги давр музейи очилди. “Туркестанские ведомости” газетасининг доимий муҳбири Ю.О. Якубовский ушбу воқеани узок кутилган буюк байрамдай эълон қилди: “21-июл кеч соат 06-00 да Самарқанддаги черков майдонида (авлиё Георгий черкови - М.Ю.) акация ва теракларнинг қуюқ шохлари остида катта тантана-музейнинг очилиши бўлиб ўтди” (Якубовский, 1896). Самарқанд статистика кумитаси музейи номини олган. Музейнинг ташкил этилиши Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган Зарафшон водийсида истиқомат қилувчи халқлар маданияти намуналарини асраб қолишда тарихий рол ўйнади (Юсупов, 1948. С.7).

Музейнинг очилиш маросимини Самарқанд вилояти ўша вақтдаги собиқ ҳарбий губернатори граф Н.Я. Ростовцев кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг В. Вяткин Хўжа Аҳрор ҳақидаги, инженер Пославский Ўрта Осиё тарихи ҳақидаги маърузаси билан чиқиш қилишди. Сўнгра М.Н. Вирский томонидан тақдим этилган 1500 махсус идишда жойланган “бошқоқли ўсимликлар коллекцияси” томошабинларга тақдим этилди (Сухарев, №549. С. 4).

“Музей очилганда дастлаб, -деб ёзади Юсупов М.С. - капитан Барщевскийнинг маҳаллий коллекционер Хафизнинг авлодларидан олган ва Афросиёбдан топилган қадимий топилмалардан иборат археологик коллекцияси келиб тушди” (Юсупов, 1948. С.8). Музей ўша вақтдаёқ замонавий турдаги экспонатлар-фотосуратлар билан жиҳозланди. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, Самарқанднинг барча ёдгорликлари ўзининг даврий ва мавсумий ўзгаришлари билан суратларда муҳрланди: “нафис рамкаларга жойланган 8та картонда капитан Барщевский томонидан олинган 100 дан ортиқ фотосуратлар илинган” (Якубовский, 1896).

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, 1874 йилда Самарқандда дастлабки расмий коллекцияга асос солиниши, улар учун инвентарларнинг сотиб олиниши ва алоҳида жой ажратилиши Самарқанд музейининг коллекциясининг шаклланишига замин яратган. 1896 йилга қадар коллекция маҳаллий ва рус зиёлилари, давлат амалдорлари, савдогарлар каби турли хил соҳа вакиллари томонидан бойитиб борилиши, М. Вирский томонидан коллекция учун махсус бинонинг ташкил этилиши, Д.И. Эварницкийнинг айни масалани ўлка микёсида эмас, балки халқаро микёсда кўтариб чиқиши охир оқибат Самарқандда музейнинг ташкил топишига олиб келди.

Адабиётлар рўйхати:

- Вирский М.Н.* Выставка в Самарканде // Справочная книжка Самаркандской области. Вып.3, Самарканд 1895.
- Вяткин В.Л.* Организация археологических работ в Самаркандской области // Научный архив музея. Дело №501.
- Газета* “Окраина”. № 121. 1893.
- Лунин Б.В.* Из истории русского востоковедения и археология в Туркестане. Ташкент, 1958.
- Сухарев И.А.* Справка Самаркандского музея 1934 год // Научный архив музея. Дело №549.
- Упфал Г.Я., Забродин Е.Б.* История Самаркандского музея // Научный архив музея. Дело №1541.
- Упфал Г.Я., Забродин Е.Б.* К вопросу о дате возникновения Самаркандского музея // Очерки истории музейного дела в СССР. Вып.7. М., 1971.
- Упфал Г.Я., Забродин Е.Б.* К истории деятельности Самаркандского музея // Научный архив музея. Дело №2021.
- Эварницкий Д.И.* Путеводитель по Средней Азии от Баку до Ташкента в археологическом и историческом отношениях. Ташкент, 1893.
- Юсупов М.С.* 50 лет Самаркандскому музею 1896-1946 гг. Самарканд, 1948.
- Якубовский Ю.О.* Открытие музея при Самаркандском областном статистическом комитете // Газета “Туркестанские ведомости”. № 57. 1896.

УДК: 9 (575.1)

ЎРТА АСРЛАР КЕШ ВОҲАСИДА МАДАНИЙ МУҲИТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

© 2017. Ш. Умаров

Имом Бухорий халқаро маркази

Калит сўзлар: Кеш, Абд ибн Ҳумайд Кеший, Муҳаммад ибн Абд Кеший, Абдуғаффор Кеший, Шухраф Кеший каби муҳаддислар, Жалолиддин Кеший, Абу Исҳоқ Кеший

В статье рассматриваются данные письменных источников по развитию истории культурной среды средневекового Кеша. Кеш центр науки и образования и мыслителей.

THE HISTORY OF DEVELOPMENT OF THE CULTURAL ENVIRONMENT OF THE KESH OASIS DURING A MIDDLE AGES ERA

Sh. Umarov

This article Cash on the environment and regional development, cultural and educational history of the historical sources. Cash Center of Science and Education and thinkers who lived in the villages of Cash.

Мовароуннахрнинг ўрта асрлардаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий муҳити кўплаб тарихчи, археолог, манбашунос ва шарқшунослар томонидан ўрганилган бўлиб, бу даврга оид бир қатор тарихий манбалар таҳлили амалга оширилган. Мовароуннахрнинг тарихий шаҳарларидан саналган Кеш шаҳри ҳам VIII-X асрларда ижтимоий ва маданий муҳити ривожланган марказлардан бири ҳисобланган. Кеш ҳудуд жиҳатидан бошқа катта шаҳарлар каби бўлмасда, катта унинг дунё аҳлини эътиборини жалб қилган хушманзара табиати, ям-яшил боғ-роғлари ҳамда ўлка илм-фан салоҳиятининг асоси бўлган истеъдодли алломалари билан ном қозонган. Тарихдан маълумки, Қашқадарё воҳасининг Насаф, Кеш, Касби, Хузор шаҳарларидан ўрта асрларда ҳам кўплаб муҳаддис, муфассир, калом илми ва бошқа илм соҳаларининг алломалари етишиб чиққан ва улар дунё илм-маърифат хазинасига салмоқли ҳисса қўшганлар. Кеш заминидан Абд ибн Ҳумайд Кеший, Муҳаммад ибн Абд Кеший, Абдуғаффор Кеший, Шухраф Кеший каби муҳаддислар, Жалолиддин Кеший, Абу Исҳоқ Кеший, Шамсиддин Кулол, Али Кушчи каби алломалар, Соҳибқирон Амир Темурдек жаҳонга машҳур саркарда ва давлат арбоблари, Фироқий, Хиромий, Равнақий ва Фақирий сингари шоир ва фозил кишилар етишиб чиққанлар. Бу хусусда юртбошимиз Ислоҳ Каримов шундай таъкидлаган: “*Шу муборак юрт фарзандлари бўлган Абу Муҳаммад Кеший, Шамсиддин Кулол ва Ҳазрати Башир каби азиз авлиёлар, Фироқий ва Хиромий, Равнақий ва Фақирий сингари шоиру алломалар Шаҳрисабз доврўғини дунёга таратганлар*” (Каримов, 2003, 35 б.).

Кеш ва унинг атрофи ям-яшил, чиройли боғдан иборат бўлганлиги учун унга Шаҳрисабз (яшил шаҳар) деб ном берилган. Кеш ҳақиқатдан ўзининг яшил табиати, маъданга бой тоғлари ва чиройли боғлари билан тарихда эътироф этилган (Умаров, 2015. 9-12 б.).

Бу хусусда академик В.В. Бартольд: “Кеш – яшил шаҳар, маданий жиҳатдан ривожланган бўлиб, Самарқанд, Бухоро ва Балх шаҳарларини туташтириб турувчи савдо йўли устида жойлашган ҳудуд бўлган”, деб эътироф этган (Бартольд, 1965. С. 480).

Ўрта асрнинг таниқли муаррихи Шаҳобиддин Абу Абдуллоҳ Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжаму-л-булдон” асарида Кеш шаҳри ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Кисс Самарқанд яқинида жойлашган шаҳар бўлиб, баъзи олимлар ўз китобларида уни

Касс шаклида келтирганлар, лекин ундай номланиши хато фикр эканлиги айтиб ўтилган. Шунингдек, баъзилар ушбу шаҳарни Киш шаклида ҳам ифода этганлар. Мен Амударёдан кечиб ўтиб, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлдим, Самарқанддан кейин Кисс деб аталадиган шаҳарга бордим. Шаҳар атрофи мустаҳкам девор билан ўралган бўлиб, унга хароб ҳолатга келиб қолган дарвоза орқали кирдим. Шаҳар ташқарисида турли мевали боғлар ва дарёлар бор. Шаҳар ичида эса кўпгина баланд иморатлар қад кўтарган. Мен бу шаҳарда тўрт кун тунаб, сўнг яна сафаримни давом эттирдим” (Ҳамавий, 1979. 492 б.).

Кеш атамаси тарихий манбаларда турли хил бўлиб, “каш”, “кеш”, “кес”, “кеж”га ўхшаш номлар билан келган. Кеш номи билан бир қанча шаҳар ва қишлоқлар турли ўлкаларда номланган бўлиб, улар Эрон, Журжон, Мовароуннаҳр диёрларида шаҳарнинг номи ва Исфаҳонда шу ном билан юритиладиган қишлоқ мавжуд бўлганлиги манбаларда келтирилган (Умаров, 2015. 16 б.).

Кеш шаҳрига яна бир муаррих Маҳмуд Қазвиний ўзининг “Асору-л-билод ва ахбару -л-иъбод” асарида: “Кеш- Самарқандга яқин бўлган шаҳар, унда боғу бўстонлар, ҳар хил мевалар мавжуд, шаҳарнинг мевалари Мовароуннаҳрнинг бошқа жойларидан анча олдин пишади. Шаҳарда йил давомида узлуксиз оқиб турадиган сувлар бор, унинг тоғларида доривор ўсимликлар ўсади ва ундан бошқа ўлкаларга ҳам олиб кетилади. Кешда туз бўладиган тошлар, фойдали қазилмалар ҳам мавжуд, шаҳарнинг ўзи ҳам ундаги иморатлар ҳам чиройли, гўзал шаҳардир” деб таъриф берган (Қазвиний, 1993. 227 б.).

Муаррих Макдусийнинг Кешга берган таърифи қуйидагича бўлган: “Кеш–катта шаҳар бўлиб, унда боғлар катта майдонлар мавжуд, ундаги ички ва ташқи майдонлар шаҳарнинг иморатлари билан тутшиб кетган. Шаҳар майдонида бозор ва Жомеъ масжид бор, улар анча хароба ҳолатга келиб қолган. Уйларининг қурилиши Бухорога ўхшаб лой ва гиштлардан бино қилинган. Ерлари ниҳоятда ҳосилдор, мевалари барвақт пишиб етилади. Шаҳарнинг ички томонида тўрт дарвоза эшиклари, Темир дарвоза, Абдуллоҳ дарвозаси, Кассоблар дарвозаси ва шаҳарнинг ички дарвозалари мавжуд. Шаҳарнинг ташқарисида ҳам икки мустаҳкам дарвоза бор. Кешда шаҳарнинг ички дарвозаси томонда икки кичик дарё бор, ундан қишин-ёзин сув тўхтамасдан оқиб туради” (Башшорий, 1996. 104 б.). Мазкур таърифлардан ҳам аниқ бўладиги, ўз даврида Кешнинг мафтункор табиати ва унинг тарихи кўплаб тарихчиларнинг диққат эътиборида бўлган.

Мовароуннаҳрга ислом динининг кириб келиши VIII аср бошларига тўғри келиши билан бирга айнан шу даврдан бошлаб халқ ичидан етук муҳаддис, муфассир ва алломалар етишиб чиққан.

Ислом динининг қонун-қоидалари, эътиқодининг аниқ ва мусалффолиги, бағрикенглиги каби кўпгина ижобий фазилатлари тез орада барчага маъқул келиб, маҳаллий аҳоли ўртасида оммалашиб кетади. Шу тарзда, “Қадимий ва бой маданиятга эга бўлган Ўрта Осиё араб халифалиги таркибига киритилгандан сўнг унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол роль ўйнай бошлади” (Абдуҳалимов, 2004. 10 б.).

Ўрта асрларда бутун Мовароуннаҳрда содир бўлгани каби Қашқадарё воҳасида ҳам илм-фан тараққиёти борасида катта ютуқларга эришилди. Бу юртдан етишиб чиққан муҳаддис, муфассир, фақиҳ, мутакаллим ва бошқа илм соҳаларининг етук алломалари бутун жаҳон маданий ҳаётига улкан ҳисса қўшдилар. Ёқут Ҳамавий ва Самъоний асарларида Марказий Осиёдаги 900 дан ортиқ манзиллар зикр қилинган бўлса, улардан 85 таси Қашқадарё ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқлар бўлиб, уларнинг 75 таси Насафдаги ва 10 таси Кешдаги тарихий манзиллардир (Қамолиддинов, 1993. 19 б.).

Кешнинг тарихий қишлоқларидан ҳам кўплаб улуғ алломалар етишиб чиққанлиги боис Ғазниён, Зазоқ, Марғибон, Мудува, Ниёза, Хушминжакас, Хушунанжакас, Шурабон, Шикан, Умар қасри, Навқот каби қишлоқлар номи тарихда қолган. (Равшанов, 2011. 171 б.).

VIII асрнинг охири – IX асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрда содир бўлган сиёсий жараёнлар ҳамда у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар Кеш

воҳаси аҳолисининг маданий ҳаётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Маданий ҳаётдаги бундай ижобий ўзгаришлар. Мовароуннаҳрда ижтимоий, илмий муҳитнинг тез суратлар билан тараққий этишида муҳим аҳамият касб этди. Натижада, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Насаф, Шош шаҳарлари илм-фан ва маданият тараққий этган марказларга айланди. Бу даврда Марв, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари нафақат Мовароуннаҳр, балки ўрта аср Шарқининг энг йирик маданият марказлари сифатида эътироф этилган. Мана шундай йирик марказлар таъсири боис Кеш шаҳри ҳам ўз навбатида илм-фан ривожланган муҳитга айланди. Шарафуддин Али Яздийнинг тарихий асари “Зафарнома”да Кешнинг мафтункор табиати, ўлканинг гўзаллиги тавсифланиб, бу диёрда Кешнинг ифтихори бўлган машҳур муҳаддислардан бири Имом Кеший яшаганлиги, Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Доримий каби улуғ муҳаддислар ҳам бир муддат яшаб, улар ҳамкорликда фаолият олиб боришгани ва шу даврда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан илм ўрганиш учун талабалар Кешга келишгани ва бу ерда катта ҳадис мактабига асос солинганлиги таъкидланган. Муҳаддисларнинг Кешда яшаб, бирга илм-маърифат билан шуғулланган вақтлари 820-826 йиллар орасида бўлиб ўтган. (Умаров, 2015. 40 б.).

Мазкур тўрт машҳур муҳаддиснинг Кешда яшаб, олиб борган фаолиятининг ўзиёқ, бу ерда илм-фан, маданият ниҳоятда ривожланганлиги, ҳадис, тафсир, фикҳ ва бошқа фанлардан мукамал таълим берадиган катта илмий мактаб яратилганлигидан ёрқин далолатдир. Мазкур муҳаддисларнинг буюк хизматлари натижасида, дунё аҳли бу воҳага юксак баҳо бериб, Кешни “Қуббату-л-илми ва-л-адаб” (илм ва адаб гумбази) деб эътироф этишган. Бу таърифнинг айнан шу даврда берилганини “Зафарнома” асари муаллифи алоҳида таъкидлаб ўтади (Яздий, 1972. 345 б.).

Ўрта асрларда Кешда илмий-маънавий муҳит ривожланганлигини воҳадан етишиб чиққан муҳаддис ва алломалар томонидан ёзиб қолдирилган кўплаб қўлёзма асарлардан ҳам билиш мумкин. Воҳанинг муҳаддис алломаларининг қўлёзмаларидан бугунги кунда дунё қўлёзма фондларида 40 га яқин асарлар сақланмоқда, улардан 24 донаси Кешнинг ифтихори саналган муҳаддис Абдулҳамид Кешийнинг асарлари ҳисобланади (Умаров, 2015. 174-184 б.). Самарқанд қозиси бўлган, шайху-л-ислом, буюк фақиҳ Абу Йуср Паздавий ҳам Кешда бўлиб, таълим тарбия билан машғул бўлган. (Муминов, 2002. С. 184).

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани ал-Боғдодий ўзининг “ат-Тақйид ли маърифати руввоти-с-сунани ва-л-асонид” асарида Кешда ҳадис илми ривожланганлиги ва бу диёрдан кўплаб муҳаддис ва ровийлар етишиб чиққанлигини келтириб ўтади (Умаров, 2015. 20 б.).

Абдулҳамид Кеший (786-863) Кешда яшаган улуғ муҳаддис, муфассир, фақиҳ ва тилшунос алломалардан бўлиб, ул зот ал-Имом, ал-Ҳофиз, ал-Хужжат, ал-Жаввол каби машҳур номлар билан таърифланган. Шамсуддин Заҳабийнинг “Сийар аълом ан-нубало” асарида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Имом Муслим ва бошқа кўплаб муҳаддислар Абдулҳамид Кешийдан ҳадис ривоят қилиб, у кишига шогирд бўлганликлари келтирилган. Абдулҳамид Кешийнинг отаси Хумайд ибн Носир, угли Муҳаммад Кеший ва бобоси Носир Кешийлар ҳадис ва фикҳ илми борасида ўз даврининг етук олимларидан саналган ва бу оила муҳаддислар оиласи деб эътироф этилган.

Абдулҳамид Кеший 863 йилда (249 хижрий йил) Кешда вафот этган. Муҳаддиснинг қаламига мансуб “Муснад Абд ибн Хумайд”, “Тафсир Абд ибн Хумайд”, “Сулосиёт Абд ибн Хумайд Каший”, “Китоб алал –хуруф ва ал-муъжам”, “Ат-Тасарруф” ва “Китоб фаъалту ва афаълту” номли асарлари бизнинг давримизгача сақланиб қолган (Умаров, 2013. 20 б.).

Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ибн Салим Самарқандий Самарқанд қозиси бўлган ва кўплаб муҳаддислардан ҳадис ўрганган ва Абдулҳамид Кеший билан яқин илмий алоқада бўлган. Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ибн Салим Самарқандий ва икки улуғ муҳаддис Абдулҳамид Кеший ва Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий ҳамкорликда

китобларни қўлёзма шаклга келтириб, тасниф этишга ҳомийлик қилганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир (Насафий, 2001. 132 б.).

Кешда илм-фан ва ҳадис илми ривожланганлигига қуйидаги маълумотни келтириб ўтиш мумкин бўлади.

Қутайба ибн Саъд: “Агар Термизга борсангизлар, Аҳмад ибн ал-Ҳасаннинг, Кешга борсангизлар, Абд ибн Ҳумайд Кешийнингдан, Самарқандга борсангизлар, Абдуллоҳ ибн Абдурахмоннинг ва агар Шошга борсангизлар, Абдуллоҳ ибн Абу Аробанинг суҳбатини ўзларингизга лозим тутингизлар, яъни улар айтган ҳадисларни маҳкам тутингизлар” дедилар (Бағдодий, 2000. 83 б.).

Мазкур тўрт муҳаддис ҳам етук муҳаддислар силсиласига киритилган бўлиб, улар яшаган Термиз, Кеш, Самарқанд ва Шош шаҳарларида илм-маърифат ривожланганидан ёрқин далолат. Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (736-797) томонидан Мовароуннаҳр ҳудудига ҳадис илми кириб келган ва биринчи бўлиб, ҳадис китобини таълиф этган шахс ҳам Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий бўлган.

Юқорида келтирилган тарихий маълумотлардан илмий хулоса олинган бўлса, ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг Насаф ва Кеш диёрларида маданий муҳит ривожланиб, ўзига хос ҳадис ва фикр мактабига асос солинган. Бунинг натижасида, диёримиздан кўплаб муҳаддис, муфассир, фақиҳ, олиму мутафаккирлар етишиб чиқиб, дунё илм-фан равнақига катта ҳисса қўшган. Воҳанинг маданий тарихи ва ундан етишиб чиққан алломалар меросини ўрганиш ҳамда кенг тадқиқ этиб бориш жамиятимизнинг тарихий тарққиёти ва ёшларимиз маънавий камолоти йўлида илмий аҳамияти каттадир.

Фойдаланган адабиётлар:

- Каримов И.А.** Биз танлаган йўл — демократик таракқиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Том 11. Тошкент, 2003.
- Абдуҳалимов Б.** «Байт ал-ҳикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. Тошкент, 2004.
- Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулгани ал-Богдодий.** Ат-Тақйид ли маърифати руввоти-сунани ва-л-асонид. (муснад ва сунанлар ровийларининг танишликни қайд этиш китоби). Ж. 1. Байрут, 2000.
- Ал-Қузуний.** Осору-л-Билод ва Ахбору-л-Ибод. Ж.1. Байрут, 2001.
- Бартольд В.В.** Работы по исторической географии. Т.3. М., 1965.
- Ёқут Ҳамавий.** Муъжаму-л-булдон. –Дору-л-фикр, Ж. III. Байрут. 1399/1979.:
- Закарий ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Қазвиний.** Асору-л-билод ва ахбару-л-ибод
- Камолитдинов Ш.** Китаб ал-Ансаб. Тошкент, 1993.
- Мақдисий Башиорий.** Аҳсану-т-такосим фий маърифати-л-ақолим. Ж.1. Байрут, 1996.
- Муминов А.** Роль и место ханафитских ‘улама’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв.) // Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. Ташкент, 2002.
- Нажмиддин ан-Насафий.** Ал-қанд фий зикри уламои Самарқанд // Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин китоб). У. Темирхон ўғли ва Б. Набихон ўғли таржимаси. Тошкент, 2001.
- Носир Муҳаммад.** Насаф ва Кеш алломалари. Тошкент, 2006.
- Равшанов П.** Шаҳрисабз тарихи. Тошкент, 2011.
- Уватов У.** IX аср Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳадисшунослиги тарихидан (ал-Бухорий, Муслим, ат-Термизий) // Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. Тошкент Ислом Университети, 2001.
- Умаров Ш.** Абдулҳамид Кеший ҳаёти ва илмий мероси. Тошкент, 2013.
- Умаров Ш.** Ўрта асрларда яшаган Кешлик алломалар. Самарқанд, 2015.
- Шарафуддин Али Яздий.** Зафарнома. (нашрга тайёрлаш, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар А.Ўринбоевники, масъул муҳаррир ф.ф.д. А.К. Арендс). Тошкент, 1972.

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

КРИТИКА И
БИБЛИОГРАФИЯ

CRITIQUE AND
BIBLIOGRAPHY


Боқиев А., Шайдуллаев А., Йўлдошева З.
ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ
Тошкент, “Янги нашр”, 2015. 176 бет.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг қадимги давр тарихини ўрганишга бўлган эътибор янада кучайди. Ана шундай тадқиқотлардан бири, Термиз давлат университети ва Ўзбекистон Миллий университети ёш тадқиқотчилари Анвар Боқиев, Алишер Шайдуллаев ва Зубайда Йўлдошевлар муаллифлигида чоп этилган “Окс цивилизацияси” монографиясидир.

